Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

# XXI ASR

O`zLiDeP

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2015-yil 13-avgust, payshanba, **33 (613)-son**

e-mail: **xxi_asr@umail.uz**, web sayt: **www.21asr.uz**

## БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

## «ОНА ЮРТИМИЗ БАХТУ ИҚБОЛИ ВА БУЮК КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ЭНГ ОЛИЙ САОДАТДИР» КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ




**Шу йил 12 август куни Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» номли китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда сиёсатшунос, иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олимлар, таълим-тарбия, адабиёт, санъат ва маданият намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, нуронийлар, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди**

Тақдимот маросимини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов қисқача кириш сўзи билан очди. Очиқ ва самимий мулоқот руҳида ўтган анжуманда мазкур китобнинг нашр этилиши мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида беқиёс аҳамиятга молик улкан воқеа экани алоҳида таъкидланди.

Маълумки, 2015 йил 29 март куни юртимизда миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари, демократик тамойиллар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтган сайловда сайловчиларнинг 90,39 фоизи Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Президентликка номзод Ислом Абдуғаниевич Каримовга овоз берди. Бундай ёрқин ғалаба Ислом Каримовнинг давлат раҳбари сифатида Ўзбекистон мустақиллигини таъминлаш, уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги стратегик мақсад ва вазифаларни ҳал этиш йўлидаги беқиёс хизматларининг юксак эътироф этилгани, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг халқимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини тасдиқлайди.

«Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» китобидан давлатимиз раҳбарининг сайловолди жараёнларидаги йигирмадан зиёд учрашув ва анжуманларда билдирган энг муҳим, концептуал аҳамиятга молик ғоя ва фикр-мулоҳазалари ўрин олган.

2

# Истиқболга юз тутган воҳа

XXIV
КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?

**Асл ҳақиқат қиёслашда кўринади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун яқин ўтмиш билан бугунги ҳаётимизни солиштиришнинг ўзи кифоя. Йигирма беш йил илгари Қарши шаҳрида бир-бирига ўхшаш, гугурт қутисини эслатадиган кўп қаватли уйлардан бўлак кўзга кўринарли бино йўқ эди. Энди-чи?**



Бир йил давомида Қаршига келмаган одам адашиб қолиши аниқ. Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан шаҳар бутунлай янгича қиёфа касб этди. Ҳар қадамда улуғвор ўзгаришлар, бунёдкорона ишларнинг гувоҳи бўласиз. Қад ростлаётган касб-ҳунар коллежлари, савдо, маиший хизмат шохобчалари, замонавий мактаблар, тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари — буларнинг бари турмуш маданияти ва фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Жорий йилда 122,2 млрд. сўм маблағ эвазига 201 та янги иншоот барпо этилади. Ҳозиргача шундан 42 таси ишга туширилди. Бошқа объектларни Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда.

Яна бир муҳим далил. 2009-2014 йиллар мобайнида вилоятнинг 65 та массивида намунали лойиҳалар асосида 4732 та уй-жой бунёд этилиб, эгаларига топширилди. Ҳозир 13 та туман ҳудудида 1320 та янги уй қурилаяпти.

— Илгари собиқ тузумдан мерос бўлиб қолган икки қаватли эски уйда истиқомат қилардик, — дейди миришкорлик Сайёра Махтумова. — Президентимиз ташаббуси билан намунавий лойиҳа асосида янги уй-жойлар барпо этила бошлагач, биринчилардан бўлиб ариза бердик. Бугунги кунда барча шароитлар муҳайё этилган замонавий хонадонда оила аъзоларимиз билан мазза қилиб яшаяпмиз. Яқинда тўй қилиб, келин туширдик. Эски туман маркази ўрнида ҳавасни келтирадиган замонавий шаҳарча бунёд этилди. Бу ерда барча инфратузилма яратилган. Набираларимиз учун ажратилган яшил майдончаларни айтмайсизми...

3

ПАРЛАМЕНТДА

## Самара сарҳисобда кўринади

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти хусусида**

Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш ва либераллаштиришга доир масалалар O`zLiDeP фракцияси масъуллигидаги мазкур қўмита фаолиятининг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Бинобарин, бу вазифа партиямиз дастурида ҳам етакчи ўринга эга. Шу боис O`zLiDeP иқтисодиётни тузилмавий ўзгартириш ва диверсификациялаш жараёнини изчил давом эттириш зарур, деб ҳисоблайди.

Маълумки, қонун ижодкорлиги доимий ҳаракатдаги жараён бўлиб, бугунги шиддатли давр уни мунтазам янгилаб боришни тақозо этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, қўмита жорий йилнинг олти ойи давомида 5 та қонун лойиҳаси устида иш олиб борди. Хусусан, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Давлат мулкини бошқариш тўғрисида», «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

2

БУГУНГИ СОНДА:

ИСЛОҲОТ
Эгаси бор юртнинг эртаси бордир
3



ЖАРАЁН
Навқирон авлод — Ватанга камарбаста!
4



БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА
Таянч тузилма ғоя ташийди
5



ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ
Нажот — маънавий иммунитетда
7



## Минтақа саноатида муҳим воқеа

**Мустақиллигимизнинг 24 йиллик байрамига қизғин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда Жиззах индустриал зонасида яна бир неча янги саноат корхоналари иш бошлади. «Juita Gulshana Invest» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси шулар жумласидандир**

Муборак санага муносиб тўёна бўлган мазкур корхонанинг ишга туширилиши нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё енгил саноатида муҳим воқеа бўлди. Чунки экспорт қилинаётган маҳсулотларимиз рўйхатига «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси босилган 4 турдаги тикув дастгоҳлари ҳам қўшилаётир. Мазкур дастгоҳлар Япониянинг энг сўнгги технологияси асосида тайёрланмоқда.

Жорий йил якунигача истеъмолчиларга 10 минг дона тикув машинаси етказиб бериш юзасидан икки томонлама шартномалар имзоланган. Йил охирига бориб корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, лойиҳада кўзда тутилган 15 минг дона тикув машинаси ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади.

Тайёр маҳсулотнинг учдан бир қисмини хорижга сотиш режалаштирилган. Ҳозирда Россия ва Қозоғистон давлатлари билан икки томонлама манфаатли шартномалар имзоланди. 2016 йилдан мазкур давлатларга тикув дастгоҳлари етказиб беришга киришилади. Бундан ташқари, корхонада йилига 7 мингтагача кийимларни чокловчи (аверлок) дастгоҳлар ҳам ишлаб чиқарилади.

Мазкур қўшма корхонанинг ишга туширилиши вилоят иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиши билан биргаликда аҳолини, айниқса, ёшларни доимий иш ўринлари билан таъминлашда катта аҳамият касб этиши шубҳасиз.

## Кучли фуқаролик жамияти сари

**Мустақиллик йилларида ўтган муддат тарихан ниҳоятда қисқа, моҳиятан эса асрларга татийдиган, тарих саҳифаларида абадий қоладиган воқеаларни ўзида қамраб олади**

Дарҳақиқат, бугун биз истиқлолнинг йигирма тўрттинчи йили сарҳадида туриб босиб ўтган оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли йўлимиз, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик, либерал ислоҳотлар, қўлга киритилган улкан ютуқлар ва эришилган марраларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини теран англаб олсаккина, бугун шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда, тобора авж олаётган глобаллашув жараёнлари ва интеллектуал тараққиёт ҳал қилувчи роль ўйнаётган бир даврда танлаган йўлимиз, яъни ривожланган замонавий демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратиш ва унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш борасидаги олдимизда турган вазифалар аҳамияти ва кўламини теран ҳис эта оламиз.

2

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 11 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)**
**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1912,32 | 1 АҚШ доллари | 2585,27 | 1 Хитой юани | 416,41 | 1 Польша злотийси | 677,07 | 1 ЕВРО | 2821,82 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4003,81 | 1 Миср фунти | 330,17 | 1 Россия рубли | 40,50 | 1 СДР | 3597,20 | 10 Жанубий Корея вони | 22,25 |
| 1 Дания кронаси | 380,03 | 1 Исландия кронаси | 19,32 | 1 Украина гривнаси | 122,58 | 1 Туркия лираси | 929,52 | 10 Япония иенаси | 207,85 |
| 1 БАА дирҳами | 703,86 | 1 Канада доллари | 1967,63 | 1 Малайзия ринггити | 658,50 | 1 Швейцария франки | 2630,51 | | |

# МУНОСАБАТ

## «ОНА ЮРТИМИЗ БАХТУ ИҚБОЛИ ВА БУЮК КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ЭНГ ОЛИЙ САОДАТДИР» КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Тадбир иштирокчилари бу кенг қамровли китобда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган мураккаб, айни вақтда шарафли тарихий йўли ўз ифодасини топгани, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган энг долзарб ва ўткир саволларга чуқур ва ҳаққоний жавоб берганини алоҳида таъкидладилар.

Бўлиб ўтган фикр алмашувларда ушбу тўплам билан танишган китобхон ундан ўрин олган барча фикр-мулоҳазаларни ўзаро узвий боғлаб турадиган асосий фазилат — бу Ватанимиз истиқлолига фидойилик, шу замин, шу халқнинг фаровонлиги ва бахту иқболи, ёруғ келажаги учун ҳар қандай синов ва машаққатларга тайёр туриш, шу улуғ мақсадларга эришишни олий саодат, ўз ҳаётининг мазмуни деб биладиган инсон – ўзбек давлатининг асосчиси, бетакрор шахс, улкан давлат арбобининг безовта ва бедор қалби, юрак ҳарорати, кенг тафаккури, мустаҳкам ирода ва эътиқоди экани эътироф этилди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Миллий университети ректори, филология фанлари доктори Ш.Сирожиддинов, иқтисод фанлари доктори, профессор А.Содиқов, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири С.Остонов, Тошкент давлат санъат ва маданият институти проректори, тарих фанлари доктори, профессор А.Маврулов, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Ж.Иноғомов, Сирдарё вилояти Сирдарё тумани «Амир Темур» фермер хўжалиги раҳбари Н.Раҳматуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ж.Пиязов ва бошқалар китобда давлатимиз ва жамиятимизнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган тараққиёт стратегияси аниқ-равшан белгилаб берилганини, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт каби ижтимоий соҳаларни барқарор ривожлантириш, юртимиздаги ҳар бир ҳудуд ва минтақа тараққиётини янги босқичга кўтаришга доир янги режа ва устувор лойиҳалар, бугунги кунда дунёда юз бераётган кескинлик ва қарама-қаршиликлар, турли таҳдидларнинг олдини олиш, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси тўғрисидаги қарашлар ҳар томонлама пухта асосланган ҳолда баён қилинганини қайд этиб, ўртага қўйилган ғоят муҳим ва долзарб масалаларнинг моҳияти хусусида атрофлича фикр билдирдилар.

Учрашувда халқимизнинг тафаккур хазинасини бойитишга улкан ҳисса бўлиб қўшилган бу китоб мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини изчил давом эттириш, аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш борасида олдимизда турган вазифаларни аниқ-равшан белгилаб бериши билан барчамиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Тадбирда мамлакатимизнинг истиқлол тарихини теран идрок этиш, юртдошларимизни ижтимоий фаолликка ундаш, янги-янги марралар сари руҳлантиришда беқиёс аҳамиятга эга бўлган «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» китобини чуқур ўқиб-ўрганиш, унинг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**(ЎзА)**

## Самара сарҳисобда кўринади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»



— «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти корпоратив бошқарув тизимида принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнлари, корпоратив менежментнинг замонавий халқаро стандартларини жорий этишдан иборатдир, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Нилуфар Саидахметова. – Бунда чет эл тажрибаси ҳам ҳисобга олинди. Сабаби — ривожланган мамлакатларнинг саноат ишлаб чиқариши соҳасида мулкчиликнинг бу шакли катта салмоққа эга. Қонун лойиҳаси акциядорларнинг умумий йиғилишида жамиятларни ўрта ва узоқ муддатли даврда ривожлантириш бўйича аниқ стратегияни тасдиқлашга доир талабларга эга нормаларни қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаш, ижро этувчи орган ва кузатув кенгашининг жамиятларни ривожлантириш стратегиясига эришиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб боришни назарда тутади. Умуман олганда, қонунга киритилган тузатишлар корпоратив бошқарувни ривожлантиришга, акциялари кам бўлганлиги туфайли бугунги кунда амалда жамиятларни бошқариш ҳамда қарорлар қабул қилишдан маҳрум бўлган барча акциядорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»га мувофиқ тайёрланган ва куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги қонун ҳам партиямиз дастурий мақсадларига ҳамоҳангдир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Ўткир Бўтаев. — Шу маънодаки, партия ўз Дастурида инвестицияларни жалб этиш сиёсати орқали юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш соҳалари ривожига бевосита таъсир кўрсатувчи лойиҳаларни молиялаштириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, ички бозорни аҳоли учун арзон, маҳаллий рақобатбардош маҳсулот ва хизматлар билан тўлдиришни назарда тутади.

Ҳаммамиз яхши биламизки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси нафақат янги қонунлар чиқариш, балки амалдаги қонунларни назорат қилиш функциясини ҳам бажаради. Модомики, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси фаолиятида ҳам назорат-таҳлил тадбирлари долзарб аҳамиятга эга.

Бу борада жорий йилнинг ўтган даврида қўмита томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, 4 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилди. Ҳисоб палатасининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисида, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботлари қўмитанинг кенгайтирилган йиғилишида эшитилди.

Ушбу йиғилишларда таъкидланганидек, аҳоли даромадларига солиқ юкини камайтириш мақсадида 2015 йил 1 январдан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг тўрт поғонали ставкасининг киритилиши ва энг кам иш ҳақининг бир бараварига «0» ставкасини қўллаш ва мос равишда бошқа гуруҳлар бўйича ставкаларни бир фоиз пунктга ошириш натижасида бюджет даромадлари мутаносиб равишда камайишига олиб келмасдан, балки аҳолининг реал даромадларининг ошиши ва янги иш ўринларининг яратилиши ҳисобига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17,9 фоизга ўсиб, 861,7 млрд. сўмни ташкил қилди. Зеро, O`zLiDePнинг устувор мақсади ҳам амалда аҳоли даромадларини ошириш, шунингдек, фуқаролар ва корхоналарни солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришдан иборатдир. Партия шу орқали янги иш ўринлари, авваламбор, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш, шахсий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳисобига кўпайтириш тарафдоридир.

Шу билан бирга қўмита аъзолари томонидан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг ижроси ўрганилди. Мазкур масалада назорат-таҳлил ишларини ташкил этиш бўйича махсус ишчи гуруҳ тузилиб, унга масалага алоқадор вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассислари ҳам жалб этилди. Бунда асосий эътибор қонун талабларининг амалда рўёбга чиқарилишини ўрганиш, ҳуқуқни қўллаш фаолиятидаги камчиликларни аниқлашга қаратилиб, унинг натижалари бўйича корпоратив бошқарув соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш мақсад қилинди. Зеро, жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни давом эттиришда қайси қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш керак, бу борада яна қандай қонун лойиҳаларига эҳтиёж сезилаётганини ўрганиш ҳам қўмитанинг асосий вазифалари сирасига киради.

Маълумки, бюджет соҳасида эришилган ютуқлар билан бир қаторда ҳисобот даврларида айрим бюджет ташкилотларида маблағларнинг мақсадсиз сарфланиши, уларнинг ноқонуний ишлатилиши билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилаётганлиги, шунингдек, баъзи тармоқларда тўлов интизомига риоя этилмаётганлиги оқибатида дебиторлик ва кредиторлик, айниқса, бюджет олдидаги боқиманда қарздорлик ҳолатлари учраб турибди. Парламентнинг назорат функцияси эса бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг самарали ва мақсадли сарфланишини таъминлашда мутасадди вазирлик-идоралар, ҳокимликлар масъулиятини янада ошириш, бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларда молиявий интизомга риоя этилиши ҳамда Бюджет кодекси талабларини бажарилиши юзасидан назоратни янада кучайтириш имконини беради.

Бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқий, сиёсий саводхонлиги кун сайин юксалиб бормоқда. Буни депутатларга юборилаётган мурожаатларнинг мазмун-моҳияти ҳам яққол кўрсатиб турибди. Ана шундай мурожаатлар асосида маҳаллий ҳокимият ва мутасадди ташкилотлар раҳбарларига депутатлар томонидан киритилаётган сўровларнинг ижобий ҳал этилиши фуқароларнинг ўзи сайлаган депутатга нисбатан ҳурмати ва ишончи ошишига сабаб бўлаётир.

Фикримизни Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг бу борадаги ишлари билан давом эттирадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даврида қўмитага 208 та шикоят, ариза ва мурожаат келиб тушганини кўришимиз мумкин. Улар назоратга олиниб, тегишли муассасаларга белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун юборилди. Айни пайтда мазкур мурожаатлар бирин-кетин ижобий ҳал этилаётир. Муҳими, фуқаролар томонидан кўтарилаётган масалалар депутатларни ўз ваколати ва масъулиятини янада чуқурроқ ҳис этишга ундамоқда.

Қўмита аъзолари фаолиятининг муҳим йўналишларидан яна бири бу — оммавий ахборот воситалари орқали мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларнинг, парламент томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш, сайловчиларни депутатлар, фракциялар ва қўмиталар фаолияти тўғрисида хабардор қилиш масалалари билан боғлиқдир. Ушбу мақсадда қўмита аъзолари томонидан ҳисобот даврида ОАВда жами 578 та чиқиш қилинди.

Фаолият самараси сарҳисобда кўринади, деганларидек Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси жорий йилнинг биринчи ярмида ўз ваколати доирасидаги барча йўналишларни қамраб олишга ҳаракат қилгани ойдинлашади. Қолганини вақт кўрсатади.

## Кучли фуқаролик жамияти сари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼



**Дилшод ШОУМАРОВ,**
O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ўз истиқлолининг дастлабки кунларидан ўзи учун ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинлиги энг олий қадрият ҳисобланадиган эркин ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини танлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимиз мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб четдан тиқиштирилган «шок терапияси» усулларини, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган сохта тасаввурларни рад этиб, ўз умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш ва унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигига эришиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш каби беш тамойилга асосланган, «ўзбек модели» деб ном олган ўз тараққиёт йўлини белгилаб олди.

Ушбу қоидаларнинг жорий этилиши давлат ва конституциявий қурилишини тадрижий равишда тубдан ўзгартириш ва янгилаш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда чуқур демократик ислоҳотларни олиб бориш имконини берди. Тарихий аҳамиятга эга бўлган мазкур модель, ўзининг мазмун-моҳияти билан, бутун тараққиётимиз давомидаги оғир ва машаққатли синовлардан ўтиб, ҳар томонлама ҳаётийлигини намоён этди. Қолаверса, ушбу модель, чуқур ўйланган ва изчил амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг устувор йўналишлари юртимиздаги сиёсий тизим, фуқаролик жамияти, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ва жадал ривожланиши, аҳолининг ҳаёт даражаси, унинг сиёсий, ҳуқуқий маданияти изчил ошиб бориши учун мустаҳкам ва ишончли пойдевор яратди.

Бу қомусий ҳужжатда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари аниқ ифодалаб берилди. Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши, улар орасидаги ўзаро тийиб туриш ва мувозанатлар тизимини таъминлаш энг муҳим тамойил сифатида белгиланди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан устунлиги, ҳеч қандай мафкуранинг давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт сиёсий институтларнинг ранг-баранглиги, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллигига асосланиши белгилаб берилди. Айни пайтда барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги шароитида хусусий мулкнинг устуворлиги конституциявий асосда мустаҳкамлаб қўйилди.

Бугун биз Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён қўлга киритилган улкан ютуқларни ифода этадиган кўплаб мисолларни келтиришимиз мумкин. Ана шу мисоллардан фақатгина биттасига эътибор қаратсак. Рақамлар тили билан айтганда, 1991 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра республикамизда 95 та ННТ фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги пайтда уларнинг сони 8,5 минг, оммавий ахборот воситалари эса 291 тадан 1,4 мингдан ортиб кетди.

Мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши ва равнақ топиши, дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторидан ўрин эгаллаши, кўп миллатли халқимиз фаровонлигини оширишнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлмиш фуқаролик институтларини шакллантириш ва ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш, ҳеч муболағасиз, мамлакатимизни демократлаштириш, унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, жамиятимизда миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатлик, барқарорликни таъминлаш бўйича олдимизга қўйилган мақсадларни рўёбга чиқаришнинг ҳал қилувчи омили ҳисобланади.

Эътиборли жиҳати, фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, ННТларнинг аксарияти тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, бандликни таъминлаш, атроф-муҳитни асраш, аҳоли саломатлиги ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, таълим, маданият ва спортни ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлаш каби ғоят муҳим масалаларни самарали ҳал этишда фаол қатнашмоқдалар.

Бу эса, энг аввало, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Конституциямиз ва у асосида қабул қилинган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатида жамоат ташкилотларининг эркин фаолият юритишини таъминлайдиган принциплар ва нормаларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани, аҳоли турли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармоқларининг ривожланиши, мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтиришга қулай шароит яратилгани натижасидир.

Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» доирасида қабул қилинган қатор қонун ҳужжатлари бу борадаги муҳим қадам бўлди. Жумладан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларнинг янги таҳрири, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида», «Ижтимоий ҳамкорлик тўғрисида»ги қонунлар, Президентимизнинг «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини аниқ йўналтирилган ҳолда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, аҳолининг бошқа зарур эҳтиёжлари билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишдаги ролини кучайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, фуқаролик жамияти институтлари ва давлат тузилмалари ўртасида ижтимоий шерикликни янада мустаҳкамлашга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бугунги шароитда айнан «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунда назарда тутилган ННТлар ва давлат ташкилотлари орасидаги ижтимоий шерикликнинг самарали йўлга қўйилиши жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлаш, ҳокимият органларининг аҳоли билан муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда давлат бошқарувини демократлаштиришга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага эътибор қаратиш зарур – фақат эркин, мустақил, етарли даражада молиявий ресурсларга эга бўлган фуқаролик жамияти институтларигина ўз зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажара олиши мумкин. Шундай экан, бу борада Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда ушбу Фонд маблағларини бошқариш бўйича таркибига депутатлар, сенаторлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, молиявий тузилмалар ва бошқа давлат ташкилотлари масъул ходимлари кирган Парламент комиссиясининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Бевосита аниқ далил ва рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2008-2015 йилларда фуқаролик жамияти институтлари тақдим этган турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан 47 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. 2008 йилда Тошкент шаҳридаги фақатгина икки ННТ ўзининг еттита лойиҳаси билан Жамот фонди томонидан эълон қилинган грант танловларида иштирок этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2014 йилда 116 ва 125 тани ташкил этди. Уларни қўллаб-қувватлашга 2008 йилда 379,4 млн. сўм йўналтирилган бўлса, 2014 йилда 852,1 млн. сўм маблағ ажратилди.

Аҳамиятлиси, бугунги кунга келиб «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунга асосан фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари тузилди ва улар ўз фаолиятини бошлади.

Жамоат комиссиялари фуқаролик жамияти институтларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан социал ва ижтимоий аҳамиятга молик дастурлар ҳамда лойиҳаларни амалга оширишдаги ҳамкорлигини чуқурлаштиришга кўмаклашиш, уларнинг таклифларини ўрганиш асосида ижтимоий шерикликнинг устувор йўналишларини аниқлаш каби қатор муҳим вазифаларни бажарадилар. Улар, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг жойларда ижтимоий, социал-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган социал ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик дастурлари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, уларни амалга ошириш учун маблағларнинг зарур ҳажмларини аниқлашга доир тавсиялар ишлаб чиқиб, тегишли буюртмаларни Парламент комиссиясига юборадилар ҳамда қонунда кўзда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Энг муҳими, ушбу комиссиялар таркибига ҳудудий вакиллик органи депутатлари, ижроия ҳокимияти, адлия ва молия органлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари киритилганлиги — бир томондан жойлардаги вакиллик органларининг ушбу масаладаги роли ва аҳамиятини сифат жиҳатидан янги даражага кўтарган бўлса, иккинчи томондан ННТларнинг жамиятдаги ролини кучайтиришга ҳизмат қилмоқда. Бундан ташқари, ушбу қонун асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат бошқарувини демократлаштиришга оид иккита тамойилни — яъни ваколатларни марказдан жойдаги ҳокимиятларга бериш (номарказлаштириш, парламент комиссияси ва маҳаллий кенгашлардаги комиссиялардан ташкил топган ушбу масалага масъул бўлган вакиллик органларининг ягона тизими шакллантирилди) ҳамда давлат ташкилотларидан нодавлат нотижорат ташкилотларига босқичма-босқич бериб борилишини кузатишимиз мумкин.

Ушбу жараёнлар 2014 йилда Конституциямизнинг 32-моддасига киритилган ҳамда парламент ва жамоат назорати институтларини кучайтириш, уларнинг қонуний асосларини ривожлантиришга хизмат қилаётган қўшимча ва ўзгаришлар киритилганлиги билан янада кучаяди, албатта.

Мухтасар айтганда, мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар бир мақсадга — эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

# АВГУСТ ОЙИ ПАХТА РИВОЖИДА, ҲОСИЛ ТЎПЛАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ФАСЛДИР

## Агротехник ишловлар бир зум ҳам бўшаштирилмаяпти



**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI asr»

Аввало шуни қайд этиш зарурки, Бухоро вилояти далаларига пахтанинг ҳудуд иқлимига мос, эртапишар ва серҳосил «Бухоро-6», «Бухоро-8», «Бухоро-102», «Жондор қудрати», «Порлоқ» сингари навлари экилган. Айни кунларда пахтачиликка ихтисослашган 3344 та фермер хўжалигида ғўза парвариши авж нуқтасига етган, десак янглишмаймиз. Миришкорларимиз ниҳолларни озиқлантириш, қатор ораларига ишлов бериш, касалликлардан асрашга алоҳида масъулият билан ёндашаяптилар.

Чунончи, Жондор туманидаги 520 та фермер хўжалиги 24124 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда. 319 та фермер хўжалиги айнан пахта етиштириш билан машғул.

Тажрибали пахтакор, O`zLiDeP аъзоси Бобоназар Чориев раҳбарлигидаги «Оллоҳназар Бобоназар Шоҳназар» фермер хўжалиги ишчи-хизматчилари 100,4 гектар майдонда мўл ҳосил етиштириш мақсадида қунт ва иштиёқ билан меҳнат қилмоқдалар. Жорий йилда камида 325 тонна сифатли хом ашё етказиб бериш уларнинг асосий мақсадига айланган.

Ромитан туманидаги 20184 гектар майдонда иш юритаётган 456 та фермер хўжалигининг 346 таси кўп йиллардан буён пахтачилик билан шуғулланади. Йилдан-йилга ҳосилдорликни ошираётган «Зафар» фермер хўжалиги раҳбари Ботир Ҳалимовнинг кўзлаган марралари улкан. Ҳосилдорликни ҳар гектардан 40 центнерга етказиш шу кунларда ғўза парваришига доир юмушларни — қатор ораларини юмшатиш, экинларни оби-тобида суғориш сингари ишларни юксак агротехник талаблар даражасида амалга ошираётган хўжалик аъзоларининг ҳам эзгу ниятидир.

Фазлиддин Асадов, Шуҳрат Шарипов етакчилик қилаётган «Навобод», «Ахтам Шариф» фермер хўжаликлари далаларида ҳам ҳосил тўплашда ҳал қилувчи палла — август ойида деҳқончилик ишлари талаб даражасида олиб борилмоқда. Кузда туман бўйича тикланадиган 40800 тонналик «оқ олтин» хирмонида бу пешқадам фермер хўжаликларининг ҳам муносиб ҳиссаси бўлади, албатта.

— Баҳорда 12 000 гектар майдонга чигитнинг «Бухоро-6» ва «Бухоро-8» навлари қадалган эди, — дейди туман Фермерлар кенгаши раиси Юнус Рамазонов. — Ғўза парвариши тажрибали мутахассислар тавсияси ва маслаҳатлари асосида олиб борилаётгани, хусусан, муҳим агротехник тадбирлардан бири — чилпишнинг ушбу ой аввалида поёнига етказилгани, шу кунларда эса экин майдонларини оби-тобида суғориш ҳамда заракунандалар профилактикасига эътибор берилаётгани жорий йилда ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш имконини бериши аниқ.

Август ойи пахта ривожида, ҳосил тўплашда ҳал қилувчи палла эканини яхши тушунган қоракўллик фермерлар ҳам ҳар бир кунни ғанимат билиб, агротехник ишловлар жараёнини бир зум ҳам бўшаштирмасликка ҳаракат қилаяптилар. 17655 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган 353 та фермер хўжалигининг 277 таси пахтачиликка ихтисослашган. Пешқадам фермерлар — Рўзиқул Сайилхонов, Завқи Болтаев, Аҳрор Йўлдошев, Олтибой Тангриев етакчилик қилаётган хўжаликларининг далалари кўзни қувнатади. Мутахассислар экиннинг оптимал ривожини таъминловчи муҳим жиҳатларга юқори баҳо беришганини қайд этиш жоиз. Қишлоқ мулкдорлари бунга осонлик билан эришмаяптилар. Бутун вилоятда бўлганидек, Қоракўл тумани далаларида ҳам культивация ўтказишда ғўза илдизларининг шикастланмаслиги, ҳосил тугунчалари сақлаб қолиниши учун тегишли чора-тадбирлар бажарилаяпти. Бу эса мўл ҳосил бунёд этишнинг муҳим шартларидан биридир. Экинларни кўллатмай суғоришга ҳам алоҳида аҳамият берилаяпти.

— «Шарбат» усулида тунги суғориш тўғри ташкил этилган, — дейди «Мўйначи ҳунарманд» фермер хўжалиги сувчиларидан бири Аскар Оймуродов. — Шу кунларда баравж ривожланаётган ғўзаларга олтинчи марта сув тараяпмиз. Шу билан бирга дала бўйлаб қаторма-қатор юриб, «варақлаяпмиз». Бу ҳар жиҳатдан фойдали бўлиб, ғўзанинг пастки қисмидаги кўсакларга қуёш нури тушишини таъминлайди, айни пайтда туплар орасида ҳаво айланишини яхшилайди. Хўжалигимиз аъзолари бетиним меҳнат қилиб, агротехник тадбирларнинг тизимли олиб борилишига муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Ҳозирги долзарб мавсумда туман бўйича 15 минг нафарга яқин киши ғўза парвариши билан банд. Ишловчилар учун етарли шарт-шароитларнинг яратилгани, дала шийпонларининг мавсумга пухта ҳозирлаб қўйилгани ишда юқори сифат ва самарадорликни таъминлаяпти. Эътиборлиси, аксарият майдонларда дастлабки ҳосил нишоналари кўриниб қолган.

40 центнерчи хўжаликлар хусусида сўз борганда Вобкент туманида фаолият кўрсатаётган Саъдулло Мирзаев бошчилигидаги «Нажим Тошобод» фермер хўжалиги ҳам тилга олинади. Бу бежиз эмас. 113 гектарлик далаларда бугун меҳнат ҳар қачонгидан кўра кучлироқ жўшқинлик касб этган. Барча илғор фермер хўжаликларида бўлганидек, бу ерда ҳам ҳар туп ғўзада 12-14 тадан бўлиқ кўсак бор.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бугун пахтакорлар ўз далаларига кўчиб ўтишган. Зеро, вилоятнинг 342 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмонини барпо этишдек эзгу мақсад барча фермер хўжаликлари аъзоларини бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан ҳам зўр куч-ғайрат сарфлаб, ғўза парвариши билан боғлиқ ишларни сидқидилдан бажаришга ундамоқда. Ғалвир сувдан кўтариладиган дамлар эса тобора яқинлашмоқда.

# Эгаси бор юртнинг эртаси бордир

**O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида барча ҳудудларда энг улуғ ва энг азиз айёмимизни муносиб кутиб олишга қаратилган маданий-маърифий мулоқотлар, давра суҳбатлари, турли учрашувлар ташкил этилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида пойтахт вилоятининг Пискент туманида ўтказилди. Унда барча шаҳар ва туманлардаги партия фаоллари, O`zLiDeP фракцияси аъзолари, депутатлик гуруҳлари вакиллари, тадбиркор ва фермерлар, таниқли ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар иштирок этишди**

**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
«XXI asr»

— Биласизми, биз ушбу тадбирни тайёрлашга кўп вақт ёки кўп куч сарфлаганимиз йўқ, — дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси матбуот хизмати ходими Элмурод Панжиев. — Боиси халқимиздаги кўтаринки руҳ, яхши кайфият унинг ўзгача бир шукуҳ билан ўтишига замин яратди. Шу куни эрта тонгдан то кечгача ёшлар боғи одамлар билан гавжум бўлганига гувоҳ бўлдик. Қўшни Олмалиқ шаҳри, Бўка тумани қишлоқларидан ёшу қари тадбирни томоша қилиш, ундан баҳра олишга келишди. Пискент ўзининг алпкелбат полвонлари билан ҳам донг таратган эмасми, тадбир доирасида белбоғли кураш бўйича республика очиқ турнири ўтказилишини эшитганлар борки, уни томоша қилишга ошиқди. Энг асосийси, юртдошларимиздаги самимийлик, шукроналик барчамиз учун азиз бўлган истиқлол байрами шодиёналари бошланганидан дарак бериб турарди.

— Дарҳақиқат, мустақиллик халқимиз учун энг улуғ айём, эркин ва фаровон ҳаётимиз, Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам кафолатидир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Виктор Пак. — Бугун республикамизнинг қай бир гўшасида бўлиб, ким билан гаплашманг, озод ва обод юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида тўлқинланиб гапиради. Тошкент вилоятида ҳам мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, фермерлик ҳаракати, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб кам рентабелли, зарар билан ишлаган жамоа хўжаликлари ерлари фермерларга топширилгани аграр тармоқни қисқа муддатларда рентабелли соҳага айлантирди. Бугунги кунда 20 мингга яқин қарийб мингдан ортиқ турда маҳсулот ишлаб чиқараётган тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг улуши вилоят ялпи ички маҳсулоти салмоғида қарийб 60 фоизни ташкил этаяпти. Ўнлаб тадбиркорлик субъектлари нафақат ички, балки ташқи бозорга «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» муҳри билан ўз маҳсулотларини экспорт қилишмоқда.

— Истиқлол шахсан менга эркин меҳнат қилиш, унинг ҳузурини кўришдек бахтни берди, — дейди пискентлик тадбиркор, O`zLiDeP аъзоси, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Бахтиёр Мираҳмедов. — Туманимизда 500 нафардан ортиқ тадбиркор фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг аксарияти ёшлар экани қувонарли ҳолдир. Пискентлик 20-25 ёшли ишбилармон бугун интернет орқали ўз маҳсулотига харидор топаётгани, хорижий тилларда сўзамол бўлгани учун улар билан бемалол тиллашаётгани Мустақиллигимиз шарофати эмасми!? Ёш йигит-қизларимиз спорт мусобақаларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтараётгани-чи? Бу ҳам истиқлолимиз меваси эмасми!? Ана шуларни кўриб, мушоҳада қилиб шукроналар келтирасан. Пискентимизнинг «Ёшлар боғи»да ташкил этилган бугунги тадбир эса ҳақиқий байрам куни кайфиятини уйғотди. Тантанада ҳамма бир жон, бир тан бўлиб фаол иштирок этгани халқимизнинг жипслигидан, аҳиллигидан далолатдир. Ҳа, шоир ёзганидек, эгаси бор юртнинг эртаси бордир!

Тадбир доирасида шу куни бўлиб ўтган кураш бўйича турнирда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардан қатнашган полвонлар баҳсида мутлақ ғолиблик пискентлик Ғолиб Аҳмедовга насиб этган бўлса, «Кексаларни эъзозлаш йили» муносабати билан ташкил этилган баҳсда пискентлик полвон отахон Музаффар Аҳроров ғолиб чиқди. Мусобақа совриндорларига турнирнинг эсдалик кубоги ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Пискентда тонг билан бошланган ана шундай шукуҳли, тароватли тадбир «Ёшлар боғи» узра таралган турфа ранг чироқлар нури порлагач санъаткорларнинг чиқишлари билан давом этди.

# ИСТИҚБОЛГА ЮЗ ТУТГАН ВОҲА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»

Дарҳақиқат, бугун вилоятнинг қайси ҳудудига борманг, кўркам иншоотларга кўзингиз тушади. Ўтган етти йил мобайнида 54 та янги мактаб қурилди, 257 таси капитал реконструкция қилинди,

**XXIV**
**КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?**

69 та касб-ҳунар коллежи барпо этилди, 182 та мактабда мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 570 та компьютер синфхонаси ташкил этилди.

— Қарши Давлат университетининг 1500 ўринли янги ўқув биноси, спорт зали, 224 ўринли талабалар турар-жойи, ахборот-ресурс маркази биз учун ажойиб туҳфа бўлди, — дейди дорилфунун талабаси, O`zLiDeP вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими фаоли Азиза Набиева. — Талабаликка қабул қилингач, ана шундай шинам, ёруғ хоналарда сабоқ олиш бахтига муяссар бўлдим. «Яккабоғ қўрғони» қурилиш-инжиниринг компанияси томонидан барпо этилган мазкур иншоот 8 блокдан иборат бўлиб, 4 минг квадрат метр майдондан иборат бўлиб, билим олишимиз, спорт билан шуғулланишимиз, дам олиш соатларини мазмунли ўтказишимиз учун барча шароит муҳайё этилган.

Қашқадарёда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 9 та спорт мажмуаси, 81 та янги спорт зали, 5 та спорт майдони қурилди. Айни пайтда жисмоний тарбия билан шуғулланаётган йигит-қизлар сони 200 мингдан ошиб кетди.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Шу асосда ўтган давр мобайнида вилоятда 2100 ўринли 18 та мусиқа мактаби барпо этилди. Уларда 3326 нафар ўғил-қиз санъат сирларини ўрганмоқда. Замон талаблари асосида жиҳозланган мазкур билим масканларида таҳсил олган ёшлар жаҳон саҳналарида ўз истеъдодларини намойиш этиб, юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшмоқдалар.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг 34 тасида 48,4 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Қарши шаҳридаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази қошида 100 қатновли-консультатив диагностика шифохонаси барпо этилди. «Саломатлик» лойиҳаси доирасида 1996-2015 йиллар мобайнида 25 ҚВП қарийб 12,5 миллиард сўмлик тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Минтақанинг қатнов инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида 2008-2014 йиллар мобайнида халқаро ва давлат аҳамиятига молик 155,5 километрли йўл қайта қурилди, 645 километрли масофада таъмирлаш ишлари бажарилди. «Самарқанд-Қарши», «Қарши-Чим-Чироқчи-Шаҳрисабз», «Қарши-Талимаржон-Касби-Помуқ» трассалари шулар жумласидандир. Халқаро аҳамиятга эга бўлган М-39 «Тошкент-Термиз» автомобиль йўлида 3 та кўприк, «Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнау», «Алмати-Бишкек-Тошкент-Термиз» йўналишида йўл бинолари қуриб битказилди. Айни пайтда Қарши-Китоб оралиғидаги 126 км. масофада 4 қаторли автомагистрал қурилиши жадал олиб борилмоқда.

— Ёшим тўқсонга яқинлашиб қолди, — дейди Яккабоғ туманининг Хўжаилғор қишлоғида яшовчи муаллим Сиддиқ бобо Қаюмов. — Бутун умрим давомида Соҳибқирон Амир Темурнинг тарихи билан шуғулландим. Академик Бўрибой Аҳмедов билан учрашиб, суҳбатларини олганман. Президентимизнинг бизнинг қишлоқда Амир Темурнинг болалик йилларини акс эттирувчи музей бунёд этиш ҳақидаги қарори кучимга куч қўшди. Музейдан Соҳибқироннинг болалиги ва оиласи ҳақидаги барча осори-атиқалар жой олиши керак. Яқин атрофда умумий овқатланиш шохобчалари, савдо майдонлари, «Соҳибқирон боғи»ни ташкил этиш режалаштирилмоқда. Тинч юртга бунёдкорлик ишлари ярашади. Шу боис ҳар куни уйқудан кўз очарканман, истиқлолимиз абадий, Юртбошимиз доимо омон бўлсинлар, дея дуо қиламан.

*Бугун қашқадарёликлар мустақиллигимизнинг 24 йиллигини ёруғ юз билан қарши олиш учун барча соҳада сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Воҳанинг қайси бир гўшасида бўлманг, улкан бунёдкорлик ишларининг устидан чиқасиз. Шаҳру қишлоқлар файз-баракага тўлган. Бунёд этилаётган мустақиллик иншоотлари эса улар кўркига кўрк, шуҳратига шуҳрат қўшмоқда.*

Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий мавзесида жойлашган «Ҳовузи Мардон» иншооти, «Коба карвонсаройи», «Молик Аштор» масжиди, «Чубин» ва «Абдишукур оғалик» мадрасаларида таъмирлаш ишлари жадаллик билан олиб борилаяпти. Ўтган давр мобайнида 21 та объект фойдаланишга топширилди. 15 тасида реконструкция ишлари давом эттирилмоқда. «Оқсарой» мажмуасини «Доруттиловат» ва «Дорутсаодат» мажмуалари билан бириктирувчи 1,1 км. масофада сайилгоҳ барпо этилаётир.

— Президентимиз вилоятга ташрифи чоғида XIV асрда қурилган Қашқадарё кўпригини капитал таъмирлаш, дарё ёқасида чўмилиш ҳавзаси ва истироҳат боғи ташкил этиш бўйича қимматли маслаҳатлар берган эдилар, — дейди вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Эркин Мамадиёров. — Айни пайтда бу иш бошлаб юборилган. Дарё устидаги иккинчи кўприк ҳам сифатли таъмирланади. «Қарши шаҳрини қайта қуриш режаси ва замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш Дастури»га асосан 56 км. узунликдаги тасмали айланма халқа йўли қурилиши қизғин олиб борилаётир. «Ўзбекистон», «Мустақиллик», Амир Темур кўчалари реконструкция қилинди. 32 та кўп қаватли уйлар қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Шаҳарда 8 та янги хиёбон барпо этилади. Шунингдек, «Мароқанд-Қарши», «Қарши-Термиз» темир йўл участкаларини электрлаштириш бўйича лойиҳа ишлари қизғин олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳа тўла амалга ошгач, сарф-харажатлар ва зарарли газлар чиқиши камайиб, табиат мусаффолиги таъминланади.

223 километрли Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл линияси ўзига хос аср мўъжизаси, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида катта аҳамият касб этаётган замонавий иншоотдир. Ушбу йўл ишга туширилгунига қадар Қашқадарё ва Сурхондарёга қатновчи поездлар қўшни давлатлар ҳудудидан ўтар, бу эса ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқарар, ортиқча маблағ сарфланишига олиб келар эди. Йўлсозларимиз баланд тоғ узра пўлат излар тортиб, ушбу муаммони ҳал этишди. Ўтган давр мобайнида юк ва йўловчи ташиш ҳажмининг ошганлиги ҳам диққатга моликдир. Тошкент-Термиз поездининг «Тошгузар», «Бойсун» ва «Қумқўрғон» бекатлари орқали ҳаракатланиши орадаги масофани 170 километр, вақт сарфини эса 7 соатга қисқартириш имконини берди. Мазкур темир йўлнинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан минглаб одамлар учун янги иш ўринлари яратилди. Айниқса, Деҳқонобод замини қаъридаги бебаҳо ер ости бойликларини қазиб олиш ва қайта ишлаш имкониятлари кенгайди.

— Очиғи, бизнинг Бешбулоқ қишлоғимиз ёшлари учун илгари энг зўр машғулот қирларда қўй боқиш эди, — дейди O`zLiDeP фаоли, тадбиркор Нодира Бойназарова. — Чунки ушбу ҳудудда бирорта ҳам ишлаб чиқариш корхонаси бўлмаган. Истиқлол туфайли орзуларимиз бирин-кетин амалга ошмоқда. Жумладан, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи бунёд этилди. Ўғлим Мансур Тошкент Ахборот технологиялари институтини битириб, заводга ишга кирди. Ҳозирда бўлим бошлиғи. Томчида қуёш акс этади, дейдилар. Бугун Бешбулоққа келсангиз, улуғвор ўзгаришларга гувоҳ бўласиз. Энг муҳими, ўғлим каби минглаб ёшлар ишли бўлишди. Эндиликда заводнинг иккинчи навбатини фойдаланишга топширишга тайёргарлик кўрилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 254,8 млн. доллар бўлиб, қурилиш-монтаж ишлари якунлангач, тоғ-кон мажмуасида сильвинит хом ашё рудасини қазиб чиқариш йилига 2170 минг тонна, калий хлорид маҳсулоти ҳажмини 620 минг тоннага етказиш кўзда тутилмоқда. Яқин ойларда фойдаланишга топшириш кўзда тутилаётган «Осма қанотли йўл» мажмуаси транспорт харажатларини 3 бараварга камайтиради. Энг муҳими, йигит-қизлар учун 944 та янги иш ўрни яратилади.

Ҳа, бугун қашқадарёликлар мустақиллигимизнинг 24 йиллигини ёруғ юз билан қарши олиш учун барча соҳада сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Воҳанинг қайси бир гўшасида бўлманг, улкан бунёдкорлик ишларининг устидан чиқасиз. Шаҳру қишлоқлар файз-баракага тўлган. Бунёд этилаётган мустақиллик иншоотлари эса улар кўркига кўрк, шуҳратига шуҳрат қўшмоқда.

# ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАР ЎЗИНИ ОҚЛАЯПТИ

**Косон туманидаги Оброн қишлоғида яшовчи Юлдуз Қобилова O`zLiDePнинг «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳасининг ўтган йилги босқичида иштирок этиб, 100 млн. сўм кредит олишга муваффақ бўлди. Қишлоғида «Яхши ният кафолат» деб номланган МЧЖ ташкил этиб, тикувчилик цехини ишга туширди. Ҳозир бу ерда ўн нафардан ортиқ чевар меҳнат қилмоқда. Қизларга ҳунар ўргатадиган марказ ҳам бор**

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»

— Хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этишда мазкур лойиҳа муҳим аҳамият касб этаяпти, — дейди Юлдуз. — Айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётганлар учун бу жуда қулай. Шу боис O`zLiDeP ташаббуси билан юзага келган мазкур тажрибадан янада кенгроқ фойдаланиш ва оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилса, айни муддао бўларди.



Дарҳақиқат, партиямизнинг ушбу лойиҳасида қатнашган қаршилик Ойниса Қодирова молиявий кўмак олиб, «Баҳора старм» тиш даволаш марказини очди. Гулчеҳра Аҳмедова ширинликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Чироқчи туманининг Баҳористон қишлоғида яшовчи Умида Расулова ҳовлисида иссиқхона ташкил этди, Султоной Исмоилова Райҳонободда музқаймоқ цехини ишга тушириб, 4 нафар коллеж битирувчисининг бандлигини таъминлади. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Умуман олганда, Қашқадарёда хотин-қизларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, уларни ҳунармандчилик, касаначилик фаолиятига кенг жалб этиш орқали оилавий бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, мазкур лойиҳада ўтган йили 400 нафарга яқин хотин-қиз иштирок этиб, уларнинг энг фаолларига 800 млн. сўмга яқин кредит ажратилди ва орадан кўп ўтмай 227 та янги иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда ҳам лойиҳа доирасидаги тадбирларда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун ва тегишли қонуности ҳужжатларининг мазмун-моҳияти кенг омма, айниқса, хотин-қизлар орасида кўп тарғиб қилинаётир. Ташкил этилаётган ўқув-семинарлар, маҳсулот ва хизматлар кўргазма-савдоларига ўн мингдан зиёд хотин-қиз ташриф буюргани эса ушбу лойиҳага бўлган қизиқиш йил сайин ортиб бораётганлигидан далолатдир.

Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур лойиҳанинг шаҳар ва туман босқичларида 586 нафар хотин-қиз иштирок этди. 11 нафари 133 млн. сўмлик кредит эвазига аллақачон тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Касбилик Нилуфар Яҳёева 28 млн. сўмга тикув машиналари сотиб олди. Дилбар Суярова, Зебунисо Авлаева, Нодира Қурбонова чорвачиликни йўлга қўйишди. Китоблик Инобат Ёқубова мазкур танлов шарофати билан иссиқхонасини кенгайтирди. Дилором Қаландарова паррандачилик билан шуғулланмоқда. Чироқчилик Насиба Бердиқулова 45 млн. сўмлик кредит эвазига хориждан наслдор моллар харид қилди.

— Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорлигимиз яхши самара бераяпти, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Гулбаҳор Тўраева. — Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган дастурга асосан жорий йилнинг олти ойида кўзда тутилган 5511 та ўрнига 7467 та иш жойи ташкил этилди. Бу йил вилоят бўйича 46 минг 543 нафар ёш касб-ҳунар коллежларини битирди. Уларнинг 22297 нафари қизлардир. Эътиборлиси, кўпчилиги бизнинг лойиҳамиз иштирокчилари ҳисобланади. Лойиҳада фаол қатнашиб, ўз бизнес-режасини муваффақиятли ҳимоя қилган ва уни молиялаштириш учун банк сертификатини қўлга киритган иштирокчиларнинг тадбиркорлик фаолиятини муваффақиятли юритишларига амалий ёрдам бериш, йўл-йўриқлар кўрсатишлари учун тажрибали тадбиркор, фермер ва партиядан сайланган депутатларга бириктириб қўйилгани ҳам бежиз эмас. Ушбу тажриба янги-янги тадбиркор ва ишбилармон хотин-қизларни кашф этибгина қолмай, O'zLiDeP сафини кенгайтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этаяпти.

— Мазкур танловда биринчи марта қатнашиб, 10 млн. сўм кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатни қўлга киритдим, — дейди нишонлик Асал Ризаева. — Маҳалламизда тикувчилик цехи ва гўзаллик салони очаяпман. Тўрт нафар дугонамни иш билан таъминлайман.

Деҳқонобод туманининг Бешбулоқ қишлоғида яшовчи Машҳура Аллабердиева эса 15 млн. сўмлик кредит ҳисобидан тикув машиналари харид қилиб, ҳамқишлоқларини доимий иш билан банд этди.

Лойиҳанинг шаҳар, туман босқичларида қатнашган 586 нафар хотин-қизнинг 87 та бизнес-режаси истиқболли деб топилиб, вилоят босқичида қатнашиш учун саралаб олинди. Улардан 65 нафарига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Танлов якунида 1 млрд. сўмга яқин кредит ажратилиб, 300 га яқин иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Мухтасар айтганда, ушбу партиявий лойиҳа амалиётда ўзини тўлиқ оқламоқда. Уни янада оммалаштириш эса O`zLiDeP фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.



# Замон билан ҳамнафас юради

**Лафзига содиқ, ҳаракатчан одамни ҳамма ҳурмат қилади, ишонади. Иззат-ҳурматини жойига қўяди**

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI asr»

Тайлоқ туманидаги «Акмал Тошпўлатов» фермер хўжалиги раиси Дилшод Муҳаммадиевнинг ҳали анча ёш бўлишига қарамай халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашига депутат этиб сайланишининг боиси ҳам ана шунда. Холбуки, унинг номзоди қўйилган ҳудудда катта тажрибага эга инсонлар талайгина эди.

Эл бекорга танламайди. Дилшод ҳақиқатан ҳам замон билан ҳамнафас юрадиганлардан. Кўп тармоқли фермер хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотларининг деярли барча турини етиштириши билан ном қозонган. У билан ҳамкорликда иш юритмоқчи бўлган корхона ва ташкилот вакилларининг хўжаликдан оёғи узилмайди. Ўтган йили деҳқончилик йўналишидан ортиб, балиқчилик ва паррандачиликни йўлга қўйди, Польшадан 20 бош зотдор сигир олиб келди. Туманда паррандачиликка ихтисослашган агрофирма ташкил қилиш вазифаси ҳам унга топширилди.

— «Тайлоқ-Зарафшон» агрофирмаси фаолият бошлагач, аввалига ён-атрофдаги маҳаллалардаги 35 та хонадонга 1000 бошга яқин парранда тарқатдик, — дейди Д.Муҳаммадиев. — Шундан сўнг жойларда яна шундай 10 та агрофирма ташкил этишга ёрдам бердик. Аҳоли мамнун. Кўпчиликнинг рўзғори обод бўлаяпти. Паррандачилик орқали оилавий бизнесни йўлга қўйишмоқда. Бугун юртимизда тадбиркорликни бошлаш учун етарлича имкониятлар яратилган. Фақат юракдан, астойдил ишлаш керак. Хўжалигимиз аъзолари ана шу ақидага амал қилиб кам бўлишмаяпти. Навбатдаги мўлжалимиз — сутни қайта ишлашни йўлга қўйиш ва 10 та янги иш ўрни яратиш. Шунга эришсак, жамоамиз аъзолари ўттиз нафарга етади.

Фермер хўжалигида 16 нафар O`zLiDeP аъзосини бирлаштирган бошланғич ташкилот фаолият юритаяпти. Партия аъзолари хўжалик раҳбарининг энг яқин ёрдамчилари, маслакдошларидир. Айнан уларнинг ташаббуси билан қишлоқларни бир-бири билан боғловчи бир неча кўча асфальтланди. Қолганига шағал тўкилди. Депутатлик фаолиятида ҳам ҳамиша партиядошлари кўмагига таянади. Шу боис сайловчилардан тушган аризалар, таклиф ва ташаббуслар ўз вақтида ўрганилиб, уларнинг аксарияти амалиётга татбиқ этилаётир.

Зеро, партия фаолининг олдига қўйган мақсади ҳам эл корига яраш, камарбаста бўлишдир...

# Сурхонда мулкдор оилалар кўпаймоқда

**O`zLiDeP ташаббуси билан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда қатор тижорат банклари ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Мулкдор оила» лойиҳасининг Сурхондарё вилоят босқичи якунланди. Унда лойиҳанинг қуйи босқичларида ғолиб бўлган тадбиркорлик субъектлари, оилавий корхоналар раҳбарлари, коллеж битирувчилари ва ҳунармандлар ўз бизнес-режалари билан иштирок этди**

**М.НУРМАНОВ,** «XXI asr»

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада юксалтириб, қўллаб-қувватлашда партия томонидан амалга оширилаётган «Мулкдор оила» лойиҳасининг нуфузи мустаҳкамланиб бормоқда. «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириб, маҳаллаларни оилавий бизнес марказига айлантиришга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаяпти.

Сурхондарё вилоятида мазкур лойиҳада иштирок этиб, тижорат банкларининг молиявий кўмагида ўз бизнесини ривожлантираётган, соҳа мутахассислари томонидан ташкил этилаётган амалий машғулотларда тадбиркорлик кўникмаларини мустаҳкамлаётган ишбилармонлар сафи кенгайиб бораётир. Ўтган йили вилоятда ташкил этилган лойиҳага тақдим этилган йигирмага яқин бизнес-режага уч юз миллион сўмликдан ортиқ имтиёзли кредит маблағи ажратилиб, қарийб ўттизта янги иш ўрни яратилгани бунга яққол мисолдир. Ушбу маблағ эвазига оилаларда чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва боғдорчилик йўлга қўйилди. Қатор иссиқхоналар барпо этилди. Қишлоқда миллий ҳунармандчилик ва тикувчилик билан шуғулланиш истаги бўлган кўплаб опа-сингилларимизнинг орзу-исталари амалга ошмоқда.

— Маҳалламизда тикувчиликни йўлга қўйишни мақсад қилган эдим, — дейди ангорлик Фазилат Нуркелдиева. — Ана шу мақсадда бизнес-режа тайёрлаб, лойиҳа доирасида унинг тақдимотини ўтказдим ва беш миллион сўм имтиёзли кредит олиш учун сертификатни қўлга киритдим. Ўзимда замонавий тикувчилик машиналари мавжуд. Кредитни мато сотиб олишга йўналтирмоқчиман. Бу ерда оила аъзоларимиз билан меҳнат қилиб, миллий кийим-кечаклар тикишни йўлга қўямиз.

Лойиҳа иштирокчилари учун тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, суғурта бозори, оилавий бизнеснинг афзалликлари гаров таъминотининг турлари каби масалаларда интерфаол машғулотлар ташкил этилди. Унинг ғолибларига тўрт юз миллион сўмликдан ортиқ имтиёзли кредит маблағи ажратиш бўйича сертификатлар топширилди.

## Ёрдамчи хўжаликнинг баракали кўмаги

Мамлакатимизда банк кредити эвазига турли агрофирма ва ёрдамчи хўжаликларнинг ташкил этилаётганлиги маҳсулот сероблиги, дастурхон тўкинлиги, нарх-наво барқарорлигини таъминлаяпти. «Мирзачўл» сув иншоотлари ва «Дўстлик» канали бошқармаси ҳам яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, мўл-кўлчиликни таъминлашга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишмоқда. Улар томонидан канал бўйларидаги ерларда шоли, полиз, сабзавот, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш йўлга қўйилган. Натижада биргина ўтган йилнинг ўзида бошқарма ишчи-хизматчилари оилаларига 50 килограммдан гуруч тарқатилди.

Бошқарманинг Нуриддин Қўзибеков раҳбарлик қилаётган Бекобод бўлими участкасида айни пайтда 10 бош қўй, 50 бош товуқ боқилмоқда. 100 тупдан зиёд узум, ярим гектар майдонда барпо этилган мевали дарахтлар ҳосили кўзни қувонтиради. Участка боғига экилган 500 туп ёнғоқ, 500 туп нок, 1000 туп тол ва терак дарахтлари ҳам кўнгилдагидек парвариш қилиняпти. 500 туплик бодомзор барпо этилди. Бу тез орада ишчи-хизматчиларни узум ва бошқа мевалар билан таъминлаш имконини беради. Н.Қўзибоевнинг айтишича, 4 гектар майдонга экилган шолидан ҳам ошхона, ҳам ишчилар оилалари бепул гуруч билан таъминланади.

Келгусида «Мирзачўл» сув иншоотлари ва «Дўстлик» канали бошқармаси ўз тасарруфидаги 7 та участканинг ҳар бирида 10 бошдан қўй, 60 бошдан товуқ боқиб, кўпайтирмоқчи. Участкалар ҳудудларига қарашли канал бўйларидаги майдонларда жорий йилнинг ўзида 11 тонна картошка, 6,3 тонна бодринг ва помидор, 23 тонна буғдой, 4 тонна полиз маҳсулотлари, 6 тонна сабзавот, 15 тонна гуруч, 7 тоннадан зиёд гўшт, 29 тонна сут, 73 минг дона тухум етиштириш мўлжалланган. Бу маҳсулотлар ишчи-хизматчиларнинг оиласини сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш имконини беради.

**Дилора ЭСОНОВА.**

# Навқирон авлод — Ватанга камарбаста!

**Замонавий талаблар асосида жиҳозланган коллежларда таҳсил олиб, касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаган ёшлар жамиятимизда етакчи кучга айланиб бормоқда. Зоминлик Фаррух Равшанбеков ҳам шу тумандаги қишлоқ хўжалиги ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежини тугатган. У ўқиш даврида ҳисобчилик билан бирга қатор турдош касбларни ҳам ўзлаштирди. Айниқса, тадбиркорликка бўлган иштиёқ уни тенгдошларидан ажратиб турарди**

**Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,**
«XXI asr»

Амалиётни алюминий эшик-дераза ясашга ихтисослаштирилган хусусий корхонада ўтади. Тиниб-тинчимас йигит чаққонлиги, топширилган вазифаларга сидқидилдан ёндашиши билан устозлар ишончини қозонди. Эндиликда у хусусий тадбиркор сифатида мустақил фаолият юритиб, орзулари сари дадил қадам ташламоқда.

— Тенгдошларимдан 4 нафарини ишга қабул қилдим, — дейди Ф.Равшанбеков. — Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида қурилиш-бунёдкорлик ишлари авжида. Шу боис маҳсулотларимизга талаб катта. Ойига 25-30 миллион сўмлик эшик-дераза тайёрлаяпмиз. Даромад ҳам чакки эмас. Яқинда енгил машина сотиб олдим. Оиламиз узоғи яқин, мушкули осон бўлмоқда.

Жиззах вилоятида Фаррух каби иқтидорли ёшлар кўп. Зеро, уч томонлама шартнома асосида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий механизм кун сайин такомиллашмоқда, қолаверса, битирувчиларнинг кичик бизнес билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, O`zLiDeP вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан ташкиллаштирилган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида ўтган йилнинг ўзида 67 нафар битирувчининг бизнес-режасини молиялаштириш учун банклардан 372 млн. сўм маблағ ажратилди.

Имтиёзли кредит олиш имкониятига эга бўлган йигит-қизлар ҳозирда саноат, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, маиший хизмат, паррандачилик, асаларичилик, қандолатчилик соҳаларида меҳнат қилиб, эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишаётир. Мисол учун, Фориш қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи битирувчиси Зилола Акбарова 20 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига қандолатчиликни ривожлантираётган бўлса, Жиззах туман иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи талабаси Отабек Ғофуров паррандачилик билан шуғулланмоқда.

Ғаллаорол ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини тамомлаган Шаҳло Санақулова ҳам мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаётган ёшлардан бири. «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида муваффақиятли иштирок этган бу серғайрат қиз «Микрокредитбанк»дан 4 миллион 800 минг сўм имтиёзли кредит олиб, туман марказида гўзаллик салонини барпо этди. Икки дугонасини ишга олди.

— Дастлабки кредит маблағини тўлиқ қоплаб, банк ишончини қозондик, — дейди Ш.Санақулова. — Ҳозир фаолиятимизни кенгайтириш ҳақида ўйлаяпмиз. Банкдан яна 5 млн. 900 минг сўмлик имтиёзли кредит олиш учун бизнес-режа ишлаб чиққанман. Мақсадим — гўзаллик салонида марказдагидан қолишмайдиган замонавий хизмат турларини йўлга қўйишдир.

Зоминлик яна бир ёш тадбиркор Дилшодбек Саидқулов эса «Муртазоқул» фермер хўжалигига раҳбарлик қилмоқда. Ўзининг меҳнатсеварлиги ва ташкилотчилиги билан қисқа вақт орасида ҳамқишлоқларининг меҳрини қозониб улгурди. Зеро табиат инжиқликларига чидаган, ер билан тиллаша оладиган деҳқонгина кўзлаган мақсадларига эришиши мумкин. Шу боис камгап, серғайрат бу йигит ўқиш ва ўрганишдан чарчамайди.

— Замонавий фермер зиммасига катта масъулият юклатилган, — дейди Дилшод. — У изланишдан асло тўхтамаслиги лозим. Биз ҳам «Муртазоқул»ни кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантирмоқчимиз. Ушбу йўналиш бўйича бир нечта бизнес-режа тайёрладик.

Вилоятда бошқа соҳалар қатори туризмни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада касб-ҳунар коллежлари имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қилинаётир. Ички туризмнинг оммалашуви, хорижлик сайёҳлар оқимининг кўпайиши уларга хизмат кўрсатиш маданиятини такомиллаштиришни тақозо этади, албатта. Бундай кадрларга бўлган талаб ва меҳнат бозоридаги эҳтиёжнинг ўсиши эса Зомин маиший хизмат ва транспорт касб-ҳунар коллежида туризм йўналиши очилишига сабаб бўлди.

— Болалигимдан туризмга ҳавасим баланд, — дейди мазкур коллеж талабаси Феруза Дамирова. — Сайёҳларга хизмат кўрсатишнинг ўзига яраша мароқли жиҳатлари кўп. Лекин бу осон иш эмас. Яъни, гид бўлиш учун чет тилларини ўрганиш, турли миллатларнинг маданияти, менталитетидан хабардор бўлиш керак.

— Жиззах вилоятида навқирон авлод вакилларини кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Олим Норжигитов. — Шу мақсадда кўплаб тадбирлар, учрашувлар ташкил қилаяпмиз. Ёшларга кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ҳуқуқий-иқтисодий асослари, банк-молия, солиқ тизими ҳақида зарурий маълумотлар берилиб, уларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарилмоқда. «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба» лойиҳалари бу борада қўл келаётир. Зеро, мустақиллик берган имкониятлардан унумли фойдаланаётган жиззахлик ёшлар халқ фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилиш, Ватан хизматига камарбаста бўлишни ўзлари учун муқаддас бурч, деб биладилар.

www.21asr.uz
2015-YIL 13-AVGUST, PAYSHANBA

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

**«XXI ASR»** 33 (613)-son, e-mail: xxi_asr@umail.uz

## «Мен мустақилликни мустаҳкамлаш учун қандай ҳисса қўшдим?!»

**Навоий кон-металлургия комбинати тиббий санитария бирлашмасидаги O`zLiDeP бошланғич ташкилотида мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида давра суҳбати ўтказилди**

**Мансур АСЛОНОВ,** «XXI asr»

Ўзаро фикр алмашув тарзидаги мазкур мулоқот қизиқарли кечди. O`zLiDeP вилоят кенгаши ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Қобил Астанов, партия Навоий шаҳар кенгаши раиси Алишер Мирзаев, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти минтақавий филиали етакчи мутахассиси А.Рўзиқулов, тиббий-санитария бирлашмаси хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулчеҳра Алиева, БПТ етакчиси Зарифа Рўзимуродова республика, вилоят, ўзлари яшаётган маҳалла, меҳнат жамоаси, шунингдек, ўз оилалари мисолида истиқлол неъматлари хусусида самимий сўз юритишди. Хусусан, оламшумул бунёдкорлик жараёни, тадбиркорликка яратилган имкониятлар, ёш авлоднинг ҳар томонлама камолотига эришиш, энг асосийси, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш бўйича бажарилган кенг қамровли ишлар ҳақида алоҳида тўхталишди.

— Ҳар биримиз ўзимизга «Мен мустақилликни мустаҳкамлаш учун қандай ҳисса қўшдим?», дея савол бермоғимиз, хоҳ оилада, хоҳ иш жойида бўлсин, юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши, истиқлолимиз боқий бўлиши учун ҳаракат қилишимиз лозим, — деди З. Рўзимуродова. — Поликлиникамиз шифокорлари кончилар ва уларнинг оила аъзолари саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиш баробарида мамлакатимизда кучли демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида ҳам фаоллик кўрсатишяпти. Жамоа аъзоларининг 348 нафари O`zLiDeP бошланғич ташкилотига бирлашиб, партия ғоя ва мақсадларини оммага етказиш, тарғиб ва ташвиқ қилиш борасидаги тадбирларда фаол иштирок этаётганлигининг ўзи ҳам буни исботлаб турибди.

— Хотин-қизларнинг бўш вақтини сермазмун ўтказиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, истеъдодини намойиш этишга шароит яратиш мақсадида ташкил этилган «Дармон» фольклор дастамиз мустақиллик йилларида республика миқёсидаги тадбирларда иштирок этиб, юқори натижаларни қўлга киритди, — дейди маслакдошимиз Г.Алиева. — Жамоа аъзолари санъатнинг сеҳрли кучи ёрдамида истиқлолни мадҳ этишдан асло чарчамайдилар.

Давра суҳбати сўнгида бирлашма бош шифокори, O`zLiDeP Навоий шаҳар кенгаши раиси Алишер Мирзаев энг улуғ, энг азиз айёмни бирлашманинг йигирмага яқин бўлим ва бўлинмаларида кўтаринки руҳ ва юксак савияда ўтказиш бўйича танлов эълон қилинганлигини билдириб, бу борада 688 нафар маслакдошимизни бошқаларга ўрнак бўлишга даъват этди.

* * *

O`zLiDeP Конимех туман кенгаши билан «Боймурод» овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги БПТ ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда халқ депутатлари Конимех туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси, «Боймурод» ОФЙ раиси, қуйи бўғин етакчиси Турман Сарбатиров Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори мазмун-моҳияти хусусида сўз юритаркан, энг буюк неъмат — истиқлол туфайли фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик базаси яратилганлиги, тарихан қисқа муддатда Ўзбекистонда эришилаётган улкан ютуқ ва қўлга киритилаётган залворли натижаларни дунё ҳамжамияти эътироф этаётганини таъкидлади. Шунингдек, бу вақтда «Боймурод»да ҳам қишлоқ мулкдорлари синфи шаклланганини, айни кунда 7 та фермер хўжалиги, 9 та тадбиркорлик субъекти аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, савдо, умумий овқатланиш ҳамда сервис хизматлари кўрсатиш бўйича фаолият юритаётганлигини қайд этди. Овулда ташкил этилган партия таянч тузилмасининг 40 нафардан зиёд аъзоси ҳам ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш, озод ва обод юртимизнинг янада гуллаб-яшнашига ҳисса қўшаётгани ҳақида фикр билдирди.

— Овулимиздаги 5 та умумтаълим мактаби, 1 та мактабгача тарбия муассасасида 3 мингга яқин аҳолининг 600 нафардан зиёд фарзанди таълим-тарбия олишади, — деди биз билан суҳбатда 11-умумтаълим мактаби директори, халқ депутатлари Конимех туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Жанар Дастанова. — Таълим муассасаларимизнинг барчаси бугунги кун талаблари асосида янгидан қурилган, буткул ва жорий таъмирланган биноларда жойлашган. Синф хоналари замонавий тарзда жиҳозланган. Дарслар компьютер технологияларидан фойдаланилган ҳолда олиб борилади. Ҳудуддаги ҚВП ҳамда 4 та фельдшер-акушерлик пунктида фаолият кўрсатаётган малакали мутахассислар аҳоли саломатлиги йўлида жон куйдиришаяпти. Мамлакатимизда ижтимоий соҳа ривожи учун ажратилаётган маблағлар йилдан-йилга ошиб, ўтган йилда умумий харажатларнинг 60 фоизини ташкил қилганлиги ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ўртага ташланган «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун» шиорининг амалдаги тасдиғидир.

Тадбирда сўз олган фаоллар истиқлол йилларида мамлакатимизда асрларга татигулик ободончилик, қурилиш ва бунёдкорлик юмушлари амалга оширилганини айтиб, ютуқларимизни тарғиб-ташвиқ қилишда маслакдошларимиз ҳамда хайрихоҳларимиз янада фаол бўлиши лозимлигини таъкидладилар.

Тадбир якунида БПТ фаолларидан иборат тарғибот гуруҳи ташкил этилди.

**Бошланғич партия ташкилотлари сиёсий кучни омма билан боғлайдиган, дастурий мақсадларини тарғиб қилишда асосий роль ўйнайдиган муҳим тузилмалардир. Улар фаолиятини етарли даражада ташкил эта олмаган партия аҳолининг кенг қатламлари ишончини қозона олмайди. Бинобарин, партия сиёсий куч сифатида ўзини тўлиқ намоён этиши ҳар жиҳатдан уларнинг иши тўғри ташкил этилишига боғлиқ. O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши таркибидаги бошланғич ташкилотлар фаолияти ҳам моҳият-эътибори билан электорат манфаатларини ифодалаш, аъзоларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, партия дастурий мақсадларини амалга оширишга хизмат қилмоқда**

# ТАЯНЧ ТУЗИЛМА ҒОЯ ТАШИЙДИ

**Сайфулла ИКРОМОВ,** «XXI asr»



Бугунги кунда вилоятда 16299 нафар партия аъзоси 790 та бошланғич партия ташкилоти атрофида бирлашган. Партия ҳудудий ва маҳаллий ташкилотлари томонидан қуйи бўғинлар фаолиятини такомиллаштириш, маслакдошларимизнинг ташкилий-партиявий ишларда фаол иштирокини таъминлаш борасида муайян ишлар бажарилаяпти. Жумладан, кўпгина таянч тузилмалар йиғилишларида партиямиздан сайланган депутатлар, партия органлари масъул ходимлари ҳам бевосита иштирок этишаяпти. БПТ хоналарини тарғибот-ташвиқот воситалари билан жиҳозлаш, услубий қўлланмалар билан таъминлашга доимий эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, партия вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази томонидан қуйи бўғинлар етакчилари ва аъзоларининг билим ва малакасини ошириш мақсадида ташкил этилаётган семинар машғулотлари юқори савияда ўтказилаяпти.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, партия Уставига мувофиқ бир қанча йирик БПТларда кенгашлар ташкил этилган. «Шўртангазкимё» мажмуаси, «Шўртаннефтгаз», «Муборакнефтгаз» корхоналари, «Талимаржон» ИЭС, Муборак газни қайта ишлаш заводида фаолият юритаётган партиявий тузилмалар шулар жумласидандир.

Шундай бошланғич ташкилотлар борки, уларнинг салоҳиятини туман кенгашлари билан тенглаштириш мумкин. Чунончи, «Шўртангазкимё» мажмуасидаги Шуҳрат Уватов етакчилик қилаётган қуйи бўғин вилоятдаги энг намунали БПТлардан биридир. Бир минг тўрт юздан ортиқ юртдошимизни ўз сафларида бирлаштирган мазкур ташкилот фаоллари ҳар соҳада партиядошларига ўрнак бўлишаяпти. Фаолларнинг ташаббуси ва кўмаги билан туманда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнини жадаллаштириш, ишсизликни камайтириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш борасида талай ибратли ишлар қилинди. Туманда ташкил этилаётган турли тадбирларда партия фаоллари қатнашиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Қарши шаҳридаги «Санам» АЖ бошланғич партия ташкилоти ҳам бугунги кун талаблари даражасида фаолият олиб бормоқда. Партия фаоллари масъулиятни ҳис этган ҳолда иш юритиб, одамларни ташвишлантираётган муаммоларга жамоатчилик, тегишли идоралар диққатини жалб этишга кўмаклашишаяпти. Шунингдек, аҳоли ўртасида ғоявий-сиёсий ишларни янада жонлантириш, ислоҳотлар моҳиятини оммага етказишга сидқидилдан ёндашмоқдалар.

— O`zLiDeP вилоят ташкилоти томонидан қуйи бўғинлар фаолиятини такомиллаштириш, партия аъзоларининг сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида тегишли ёрдам кўрсатиляпти, — дейди вилоят кенгаши раиси Мустафхон Султонов. — Хусусан, партия вилоят кенгаши аъзолари, депутатлар жойларда бўлишиб, фаолларга зарур маслаҳат ва тавсиялар, кўрсатмалар беришяпти, ташкилий ишларга кўмаклашишаяпти. Фаолиятни такомиллаштиришга оид қатор кўргазмали воситалар, қўлланмалар тарқатилаётганлиги ҳам таянч бўғинлар ишини яхшилашга хизмат қилаётир.

— «Ўзбекгеофизика» ОАЖнинг «Яккабоғ геофизика экспедицияси» филиали раҳбари, партия қуйи ташкилоти раиси, туман кенгаши депутати Фарҳод Шомуродов ҳам туманда таянч нуқталар ишини жонлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган фаоллардан, — дейди O`zLiDeP Яккабоғ туман кенгаши раиси Маҳмадали Қулбулов. — Унинг ташаббуси билан ҳар ойда битта БПТ кўргазмали йиғилишини ташкил этиш яхши анъанага айланди. Илк шундай йиғилиш мазкур қуйи бўғинда ўтказилгани эътиборга молик. Йиғилишда 4 та масала кўрилди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка йўналтириш орқали бандлигини таъминлаш, фермер хўжаликларига минитехнологиялар келтириш орқали маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга қўйиш, қишлоқ ёшларининг спорт билан шуғулланишлари учун ўйингоҳлар қуришни кўпайтириш, хотин-қизларни касаначилик орқали саноат корхоналарига жойлаштириш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилиб, халқ депутатлари туман кенгаши сессияларига ва доимий комиссияларига киритиш учун тақдим этилганлигини мамнуният билан қайд этиш керак.

Партия Қарши шаҳар бўлими томонидан ҳам қуйи бўғинлар фаолиятини ривожлантириш борасида қатор ибратли ишлар қилинаётганлигини тилга олиш лозим. Жорий йил мобайнида шаҳарда БПТ фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш мақсадида ўн бешга яқин тадбир ташкил этилганлиги ва уларда мингдан ортиқ партия аъзоси қатнашганлиги қувонарли ҳол. Кўплаб ҳамюртларимиз ижтимоий-иқтисодий масалалар борасида қуйи бўғинларга мурожаат қилинса, ижобий натижага эришиш мумкинлигига ишонмоқдалар. Масалан, «Феруза» савдо ва ишлаб чиқариш фирмасидаги Наим Турдиалиев етакчилик қилаётган бошланғич ташкилот фаоллари 4-миттитуман аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, ободонлаштириш ишларини кучайтириш, хотин-қизларни касаначилик орқали ишга жойлаштириш борасида қатор ишларни амалга оширишди.

— Партия шаҳар кенгаши таркибида 95 та БПТ бор. Улар ўз сафида 2114 нафар либерал ғоялар тарғиботчисини бирлаштирган, — дейди O`zLiDeP Қарши шаҳар кенгаши раиси ўринбосари, аппарат раҳбари Холмирза Болтаев. — Фаоллар шаҳарда фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилот ва муассасаларда бўлишиб, партиянинг дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилиш, уларда меҳнат қилаётган ишчи ва ходимларни партия сафига жалб қилиш, янги таянч тузилмалар очиш борасида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боришаяпти. Қисқа вақт ичида бошланғич ташкилотларимиз сони 8 тага, аъзолар сони эса 357 нафарга кўпайди. Шу ўринда бир таклиф билдирмоқчиман: ҳар чоракда вилоятда кўргазмали семинар ташкил этилиб, айнан қуйи бўғинларга оид ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилиниб, илғор БПТлар етакчилари рағбатлантирилса, тажрибаларни оммалаштириш йўлга қўйилса, айни муддао бўларди. Зеро, амалий ишлари билан бошқаларга намуна бўладиган партия етакчиларига, улар ташийдиган ғояга одамлар ишонади ва ортидан эргашади.

Дарҳақиқат, кишиларда партия дастурий мақсадларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, аввало, бошланғич ташкилотлар етакчилари ва фаолларига боғлиқ. Қашқадарёда хайрихоҳ ва тарафдорларимизнинг кун сайин ортиб бораётганлиги, талай одамлар ўз ҳаётларини партиямиз билан боғлаётганлиги бу ердаги қуйи бўғинлар ўз фаолиятини талаб даражасида ташкил этишга бор куч ва имкониятларини сафарбар этаётганлигининг яққол далилидир.

**ПАРТИЯ АЪЗОСИ ҚУЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА:**

— ПАРТИЯНИНГ ТУРЛИ БЎҒИНДАГИ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН ТАДБИРЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШ, ЎЗ ҚАРАШЛАРИНИ ЭРКИН БАЁН ҚИЛИШ ВА ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КИРИТИШ;

— ПАРТИЯНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИГА САЙЛАШ ВА САЙЛАНИШ, УЛАРГА АРИЗА ВА ТАКЛИФЛАР БИЛАН МУРОЖААТ ЭТИШ;

— ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ВА ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНЛАРИГА ПАРТИЯ НОМИДАН НОМЗОД СИФАТИДА ТАВСИЯ ЭТИЛИШ;

— ЎЗИНИНГ ҚОНУНИЙ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯЛАНИШИДА ПАРТИЯ КЎМАГИДАН ФОЙДАЛАНИШ, КОНСУЛЬТАЦИЯЛАР, ҲУҚУҚИЙ ВА БОШҚА ЁРДАМЛАР ОЛИШ.

O`zLiDeP Уставидан.

## Наманганда яна бешта

**2015 йилнинг биринчи чораги якунида O`zLiDeP Наманган вилоят кенгаши таркибидаги бошланғич ташкилотлар 801 тани, партия аъзолари эса 13827 нафарни ташкил этди**

**Аҳроржон МУСУРМОНОВ,** «XXI asr»

— Партия туман (шаҳар) ташкилотлари ходимлари муассаса ва корхоналарга ташриф буюриб, партиямиз ғояларини тарғиб қилганликлари, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиб, уларнинг ҳал қилинишига кўмаклашаётгани ўз самарасини бера бошлади, — дейди O`zLiDeP ҳудудий кенгашининг БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Эркинжон Аҳмедходжаев. — Ана шу жараёнда Чуст туманидаги «Нейропульс медикал сервис» хусусий шифохонаси, Уйчи туманидаги «Ғолиб» ва Наманган туманидаги «Асқарали ота» фермер хўжаликлари, Норин туман Фермерлар кенгаши, Наманган шаҳридаги «Luks Plus Servis» МЧЖ сингари қуйи бўғинлар фаол қатнашгани диққатга сазовор. Бешта янги БПТ га асос солингани саъй-ҳаракатлар зое кетмаганидан, айни пайтда партиямиз дастурий ғояларини қўллаб-қувватловчилар кўпайганидан далолат.

Дарҳақиқат, Янгиқўрғон туманидаги «Ян-текс» МЧЖ, Наманган шаҳридаги «Водий Соф Қоғози», «Тоза ичимликлар» хусусий корхонаси, 12-сонли оилавий поликлиника ва «Ўзагросуғурта» ДАСКда янги очилган БПТларга Нилуфар Дадабоева, Улуғбек Ходжаев, Дилбархон Абдуллаева, Наргиза Алижонова, Камолиддин Жалилов каби партиянинг ғоя ва мақсадларини яхши англайдиган, иқтидорли, ўз меҳнат жамоаларида обрў-эътибор қозонган инсонлар етакчиликка сайландилар. Янги қуйи ташкилотларнинг ҳар бирида «Маънавият хонаси» ташкил этилиб, Президентимиз асарлари, ижтимоий-сиёсий адабиётлар, услубий қўлланмалар, матбуот нашрлари билан таъминланди.

Шу тариқа вилоятда БПТлар 806 тага, ҳаммаслакларимиз сони эса 14 392 нафарга етди.

### ▼ АНИҚ САВОЛГА

***— O`zLiDePнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришишидаги асосий стратегияси қандай?***

— O`zLiDeP шиорлар билан эмас, балки мулкдорлар қатлами, кичик ва хусусий бизнес вакиллари, фермерлар манфаатларини ифодалаш қаратилган аниқ ҳаракатлар, пухта ўйланган сиёсатни амалга ошириш орқали дастурий мақсадларини рўёбга чиқармоқда. Партия ҳамжиҳатлик ва тинчлик сақланиши, Ватан тараққиёти ва гуллаб-яшнаши, аҳоли фаровонлиги ўсиб бориши учун бор салоҳиятини ишга солаяпти. Мазкур сиёсий куч мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши, демакки, аҳоли турмуш даражаси юксалишини таъминлашга ҳар томонлама кўмак бериш ва бу жараёнда фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Мухтасар айтганда, O`zLiDeP хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, кўп укладли либерал бозор иқтисодиётини шакллантириш ва тараққий эттириш йўли билан жамиятда барқарорлик ва фаровонликни мустаҳкамлашга интилаяпти.

### ▲ АНИҚ ЖАВОБ

# ҚУТЛОВ


«БУХОРО НЕФТНИ
ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ»
УНИТАР КОРХОНАСИ
ЖАМОАСИ
азиз юртдошларимизни яқинлашиб келаётган энг улуғ айём — Ўзбекистон Республикаси давлат
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
24 ЙИЛЛИК
байрами билан қизғин муборакбод этади.
Барчангизни бахт ва омад, хонадонингизни осойишталик, қувончу шодлик асло тарк этмасин!
Хизматлар лицензияланган

# ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

# Имтиёз ва рағбат

## минглаб юртдошларимизнинг жамиятда ўз ўрнини топишга хизмат қилмоқда

**Нозим ҚОДИРОВ,**
Давлат солиқ қўмитаси бўлим бошлиғи

Истиқлол йилларида мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасида қатор имтиёз ва енгилликлар яратилди. Хусусан, халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини тараққий эттириш, соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мавжуд анъаналарни замонавийлик билан уйғунлаштирган ҳолда унинг янги турларини шакллантиришга кенг имконият берилаётгани туфайли маҳсулот тури ҳам, сифати ҳам ошиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, нафақат ички, балки ташқи бозорда миллий буюмларимизнинг харидоргир бўлишини таъминлаётир.

Президентимизнинг «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида», «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонларига асосан якка тартибдаги тадбиркорларга белгиланган қатъий солиқни тўлаш юзасидан имтиёзнинг амал қилиш муддати узайтирилгани эса ушбу йўналишнинг янада ривожланишига хизмат қилмоқда.

Концерт-томоша фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун давлат божи тўловчи жисмоний шахслар мазкур фаолият тури бўйича қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилиши шулардан биридир. Бундан ташқари, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, ўз бизнесини йўлга қўйишлари учун 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб касб-ҳунар коллежи битирувчиси ўқишни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтса, ушбу санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилди.

Умуман олганда, якка тартибдаги тадбиркорларга яратилган имкониятлар йил сайин ортиб бораяпти. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бизнес вакиллари томонидан шахсий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантриш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этишга қаратилган ўта муҳим ҳужжат сифатида қабул қилинди.

Жорий йилнинг 1 июлидан якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолият туридан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳаққининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқи берилиши назарда тутилган. Унга кўра, якка тартибдаги тадбиркор касб-ҳунар коллежи битирувчисини ишга ёллаган тақдирда ўн икки ой мобайнида ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилади.

Мухтасар айтганда, бундай имтиёзлар аҳоли муайян қисмини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жумладан, мустақил ҳаётга энди қадам қўяётган ёшларни рағбатлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.



# Ижтимоий шерикликнинг ўзига хос қирралари

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида «Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларининг роли» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди**

**Рисолат МАДИЕВА,**
«XXI asr»

Сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, экспертлар, ижтимоий шериклик бўйича жойлардаги жамоат комиссияларининг раислари иштирок этган тадбирда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб вазифалари, мазкур соҳада эришилган натижалар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари хусусида фикр алмашилди.

Маълумки, 2008 йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккала палатасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилингач, ННТ, фуқаролик жамияти институтларининг мустақил ривожланишини изчил таъминлаш, мамлакатнинг демократик янгиланиш жараёнида уларнинг роли ва аҳамияти ортди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, демократик тамойилларга асосланган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини молиялаштириш манбаларини шакллантириш тизими яратилди.

*2015 йилнинг 1 январидан кучга кирган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун эса мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.*

Бугунги кунда Парламент комиссияси ва жамоат фондининг фаолияти давлат бюджетидан «учинчи сектор»ни қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётган молиявий воситаларнинг янада шаффоф, очиқ, манзилли ва энг муҳими, демократик асосда тақсимланишини таъминлашга қаратилган бўлиб, ННТ фаолиятининг ташкилий-техник, иқтисодий заминини мустаҳкамланишига самарали таъсир кўрсатмоқда. 2015 йилнинг 1 январидан кучга кирган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун эса мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Парламент комиссияси томонидан жорий йилда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларини молиялаштириш бўйича 5 та грант танловини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинган бўлиб, уларнинг тўртаси жорий йилнинг май, июнь ва июль ойларида ўтказилди.

Анжуманда, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар ривожлантиришга оид дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб қилиш бўйича ўзаро тажриба алмашилди.

Анжуман сўнгида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари қошида ижтимоий шериклик бўйича Жамоат комиссияси фаолиятининг Комплекс режаси қабул қилинди.

Айни шундай тадбир жорий йилнинг август ойида республиканинг барча ҳудудларида ўтказилиши ҳақида келишиб олинди.

# НАЖОТ — МАЪНАВИЙ ИММУНИТЕТДА

## Инсон табиати жуда қизиқ. Аввал муаммони ўз қўли билан яратиб, кейин уни бартараф этишга бутун умрини сарфлайди



**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»

Шу маънода жамиятдаги хунук иллатлардан бирига айланган гиёҳвандлик ва алкоголизмдан қутулиш инсоният учун осон кечмаяпти, десак муболаға эмас. Бугунги кунда ичкиликбозлик туфайли нафақат катталар, балки ўсиб келаётган навқирон авлод ва бўлажак оналар ҳам жабр кўрмоқдалар. Ароқхўрлик одамлар онгида гўёки асабий зўриқишни бартараф этадиган, суҳбатни «қиздириш»га кўмаклашадиган, ёлғизликни сездирмайдиган «дўст» қиёфасида шаклланганi ачинарлидир.

Маълумки, 18 дан 20 ёшгача одамнинг ўзини англаш жараёни давом этади. Унинг қизиқишлари, ҳаётга қарашлари ойдинлашади. Бу даврда спиртли ичимликларни сурункали истеъмол қилиш эса шахсдаги уйғун ривожланиш тизими бузилишига олиб келади. Оқибатда оилалар тимсолида бутун жамият бирдек зарар кўради. Соғлом фарзандларни дунёга келтириш, насл-насабни асраб-авайлаш борасида ташвишли вазият юзага келади.

Хўш, бу иллатнинг олдини олиш учун қандай чоралар кўрилмоқда? Мисол учун, Германияда ёшларни ҳимоялаш тўғрисидаги қонунга мувофиқ, 16 ёшгача бўлган болаларнинг кечки соат 22 дан кейин тунги клублар ва ресторанларга бориши қатъиян ман этилган. Экспертларнинг фикрича, айрим давлатларда алкоголизм ва гиёҳвандликка ружу қўяётган ёшларнинг кўпаяётгани ўша ерларда нафақат таълим-тарбия, балки маънавиятга етарли эътибор қаратмаслик натижасида юз бераётир. Бошқача айтганда, бу олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш лозим, деган ақиданинг ҳосиласидир. Бинобарин, маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг ўзаги, куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Узоқ ва яқин тарих бунга гувоҳ. Қисқа қилиб айтганда, бугунги глобаллашув жараёнида ҳали ҳам баъзи жойларда маънавиятни шакллантирмасдан туриб, кўзланган манзилга етиб бўлмаслигини англаб етмаётганлари таажжубланарлидир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларида бугунги кунда ароқхўрликка муккасидан кетган кишилар сони 150 миллионга яқинлашгани таъкидланмоқда. Албатта, булар расмий рақамлар, холос. Демак, катталар ва ёшлар ўртасида ичкиликбозликнинг бу қадар кенг тарқалишига қандай омиллар сабаб бўлаётганини жиддий ўрганиш ва самарали чоралар кўриш талаб этилади. Оилашунос психологларнинг фикрича, энг аввало, ота-оналарнинг ўз юмушлари билан бандлиги, болаларнинг назоратсиз қолдирилиши, турли низоларнинг кучайиши, моддий бойлик орттиришга ружу қўйиш, боланинг ҳаддан зиёд таъминланганлиги, кўпгина мамлакатларда таълим тизимининг издан чиқиши ана шу иллатга йўл очмоқда.

Спиртли ичимликлар психотроп воситалар қаторига киритилганлиги кўпчиликка маълум. Уни тинимсиз истеъмол қилиш инсон пуштига салбий таъсир этиши назарий жиҳатдан исботланганлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Шифокорларнинг таъкидлашича, сурункали ичкиликбозлик соматик касалликларни келтириб чиқариши натижасида кўплаб инсонлар азият чекмоқда. Расмий қайдномаларга кўра, ичкиликбозлик туфайли юзага келган ўлим кўрсаткичи юрак-қон томир ва ўсма касалликларидан кейинги ўринда турар экан.

Айниқса, хотин-қизларнинг спиртли ичимлик истеъмол қилиши ҳозирги кунда жиддий муаммолардан бирига айланган.

*Шундай экан, соғлом турмуш тарзи кечириш, атрофдагилар ва ўзимизга нисбатан бефарқ бўлмасдан ҳар бир кунимиз, дақиқамизнинг қадрига етишимиз даркор. Зеро, бу борадаги нажот — маънавий иммунитетдадир.*

Уларнинг бу иллатга чалиниши эркакларга нисбатан тезроқ содир бўлади. Яъни, эркакларда бу жараён 7-10 йилни ўз ичига олса, аёллар учун 5 йил кифоя. Ичкиликнинг организмга ножўя таъсири ҳам аёлларда эркакларга қараганда анча эрта кечади. Асосан у жигар ва меъдаости безини зарарлайди. Маънавий томондан эса ичкиликка тобе бўлган аёлларнинг хулқи, ҳаёт тарзи салбий томонга ўзгаради. Натижада турли жинсий касалликлар ҳам келиб чиқади.

Бу борада олиб борилган тадқиқотларнинг шаҳодат беришича, ичкиликбозликка чалинган аёлларнинг фақат 10 фоизида жинсий безларнинг нормал фаолияти сақланар экан. Ароқхўрлик туфайли айниқса руҳий зўриқиш авж олади. Эркакларга нисбатан аёлларда ақл пасайиши тезлашади. Патологик ўзгаришлар эса аёлларнинг шу касалликни англаб етишларига тўсқинлик қилади. Шунинг учун ҳам хасталикнинг қай даражада жиддийлигини англамай туриб ичкилик ичишни тўхтатишга ҳаракат ҳам қилмайдилар. Энг қизиғи, аёлларда хумор синдроми эркакларга нисбатан юмшоқроқ ўтади. Шунинг учун ҳам улар узоқ муддат шифокорга мурожаат қилмайдилар. Ичкиликбозликка чалинган аёлларни аввалги ҳаёт тарзларига қайтариш анча мушкул ва у кўп вақт талаб этиши ўз исботини топган.

Бу борада ичкиликбозликка муккасидан кетган эркакларга ҳам ҳавас қилиб бўлмайди. Яъни, уларнинг аксарияти 35-40 ёшда юрак инфаркти ва инсультдан кўз юмиши таъкидланмоқда. Мияга қон қуйилиши, тўсатдан ҳаёт билан видолашиш ҳолатларининг 25 фоизи ҳам айнан ҳар куни спиртли ичимлик ичиш билан боғлиқдир. Гарчи бундай иллатга қарши дунёнинг кўпгина мамлакатларида изчиллик билан кураш олиб борилаётган бўлса-да, у деярли самарасиз кетаётгани айни ҳақиқатдир.

Шу ўринда савол туғилади. Хўш, бугунги кунда спиртли ичимлик ичиш бўйича қайси давлатлар «карвонбошилик» қилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, рўйхатнинг биринчи поғонасида Молдова турибди. Мазкур мамлакатда ҳар йили аҳоли жон бошига салкам 19 литр тоза спирт ва 10-12 литр вино тўғри келаётган экан. Бу борада Чехия, Венгрия, Россия, Украина, Эстония, Андорра, Руминия, Словения ва Белорусь «кучли» ўнликка киришган.

Айниқса ёшлар бу иллат домига тушиб қолаётгани кўплаб мамлакатларни хавотирга солмоқда. Мисол учун, АҚШнинг айрим штатларида 14-18 ёшлиларнинг деярли 90 фоизи спиртли ичимликларни татиб кўрган. Мутахассисларнинг фикрича, 10-13 ёшли ўсмирлар бу борада биринчи қадамни алкоголь миқдори паст турли ичимликлардан бошламоқдалар. Масаланинг энг оғриқли томони ҳам шунда. Навқирон авлоднинг мазкур иллатга берилишида оммавий ахборот воситалари орқали берилаётган рекламалар ҳам қайсидир маънода сабаб бўлаётир. Айрим маълумотларга қараганда, спирт ишлаб чиқарувчи «Smirnoff» фирмаси ўз маҳсулоти рекламаси учун бир йилда 250 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлайди. Бундан ташқари, ана шу рекламаларда машҳур кишилар қўлида қадаҳ кўтариб турганлиги экран қаршисида ўтирган ёшларга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди, албатта.

Керакли тошнинг оғири йўқ деганларидек, ичкиликнинг хунук оқибатлари ҳақида қанча кўп гапирилса, шунча оз. Лекин ҳар бир инсон ўз саломатлигига ўзи масъул эканлигини унутмаслиги керак. Шундай экан, соғлом турмуш тарзи кечириш, атрофдагилар ва ўзимизга нисбатан бефарқ бўлмасдан ҳар бир кунимиз, дақиқамизнинг қадрига етишимиз даркор. Зеро, бу борадаги нажот — маънавий иммунитетдадир.

## Янги лойиҳалар тақдимоти

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш кучли фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим омилидир» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ижтимоий шериклик механизмларидан самарали фойдаланиш, ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг давлатнинг турли ижтимоий дастурларидаги иштироки самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ижтимоий буюртма ғолиби бўлган Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ижтимоий шериклик асосида амалга оширилаётган лойиҳа — «Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни ижтимоий мослаштириш марказлари тармоғини ривожлантириш» деб номланган бўлиб, Қашқадарё вилоятида имконияти чекланган болаларга педагогик, ҳуқуқий ва ахборот, таълимий ёрдам кўрсатиш учун қўшимча шароит яратишга йўналтирилгандир.

Шу мақсадда Қарши шаҳрида РБИММ филиалини қўллаб-қувватлаш орқали Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга комплекс ёрдам кўрсатиш учун жамоага 40 турдаги 130 та спорт инвентари, замонавий асбоб-ускуналари ажратилади. Филиал ходимларини ўқитиш, малакасини оширишга эътибор қаратилади ва шу тариқа йил давомида 200 нафардан ортиқ ҳимояга муҳтож болаларнинг ижтимоий реабилитацияси амалга оширилади.

Анжуманда, шунингдек, ижтимоий буюртма ғолиби бўлган лойиҳалар қаторида Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг «Мустақил босма ОАВда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурини амалга оширилиш жараёнларининг ёритилиши» ҳамда «Телеграф» ахборот-таҳлилий порталининг «Интернет тармоғини Ўзбекистонда жамиятнинг барча соҳаларини жадал ривожланиши ҳақидаги холисона ва ҳар томонлама тўғри ахборот билан тўлдиришга кўмаклашиш» лойиҳаларининг тақдимоти ҳам ўтказилди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш доирасида мавзуга оид қарийб 1000 та янгилик ва ахборот-таҳлилий материал тайёрланиб, чоп этилиши, 33 та таҳририятнинг моддий-техник базаси такомиллаштирилиб, уларга ахборот-маслаҳат таъминоти бўйича ёрдам кўрсатилиши назарда тутилаётгани таъкидланди.

**Ўз мухбиримиз.**

# СЎНГГИ САҲИФА

## «Болаликнинг бир куни»

**Марғилон шаҳридаги ахборот-ресурс маркази ходимлари ёзги таътил кунлари ўқувчиларга маърифий-маданий хизматни кўнгилдагидек ташкил этишда бор куч-ғайратини аямаётир.**

**— Марказимиз жуда яхши жиҳозланган бўлиб, ўқувчилар ўзлари истаган китобларни мутолаа қилиши, компьютердан керакли маълумотлар ва янгиликларни олиши учун шароит яратилган, — дейди АРМ раҳбари Муборакхон Узоқова.**

**— Масканда турли мавзуларда адабий кечалар, баҳслар, учрашувлар ўтказиб туриш ҳам одат тусига кирган.**

**Ўқувчиларни китобхонликка қизиқтириш мақсадида «Энг фаол китобхон ўқувчи», «Энг кўп китоб ўқувчи» каби кўрик-танловлар уюштириб келинмоқда. Куни кеча мустақиллигимизнинг 24 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда фаол китобхон ўқувчилар Ватан, истиқлол, тинчлик, ёшлик ҳақидаги шеърларни ифодали ўқиб беришди.**

**Болалик умрнинг энг тотли ва бахтли онидир. Ўқувчилар хотирасида узоқ сақланиб қолувчи болаликнинг олтин даври ёзги таътилга тўғри келади. Уни ёдда қоларли қилиб ўтказиш мақсадида марказ ходимлари шаҳардаги 7-умумтаълим мактаби жамоаси билан ҳамкорликда «Ором» соғломлаштириш оромгоҳида «Болаликнинг бир куни» деб номланган мусиқий кеча ташкил этишди.**

**Тадбирда фаол иштирок этган ўқувчилар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.**

**Завқли мулоқот иштирокчилари «Ёз — ўтмоқда соз» номли фотосуратлар кўргазмасини ҳам томоша қилдилар.**

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

# МЕН — БАХТИЁР АЁЛМАН!

**Вақтни бежиз оқар сувга қиёслашмайди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ватанимиз мустақилликка эришган кезларда туғилганлар ҳадемай 24 ёшни қаршилайдилар. Халқимиз эса озод ва обод юртимиз истиқлолга эришган кун тантаналарини интиқлик билан кутмоқда**

Мустақиллик бизга жуда кўп неъматлар ато этди. Энг аввало, ўзлигимизни англаб етдик. Кўз-ўнгимизда янги-янги бинолар қад кўтармоқда. Аҳоли турмуш тарзи тобора яхшиланиб бораётир. Ким билан суҳбатлашманг, дилида-ю тилида битта калом. У ҳам бўлса — юртимиз тинчлиги, элимиз ободлиги, дастурхонимиз тўкинлигига шукроналик.

Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида мустақиллигимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотларнинг амалий натижалари туфайлидир. Масалан, тарихан ўта қисқа бир муддатда иқтисодиётнинг етакчи соҳалари модернизация қилинди. Илғор техника ва технологияларга эга замонавий корхоналар ишга туширилди. Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракати етакчи кучга айланди. Буни 150 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган Ғаллаорол тумани мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Мен ҳам катта орзу-умидлар билан 2009 йили «Умиджон техносервис» хусусий корхонасини очиб, 4 нафар хотин-қиз билан иш бошладим. Айни пайтда ўн нафарга яқин ишчи, олти нафар касаначи кўмагида чойшаб, парда, кийим-кечак, мактаб ҳамда коллеж ўқувчилари учун махсус уст-бош тикаяпмиз. Вилоятимизнинг бир қатор туманлари тиббиёт бирлашмалари ва мактабгача таълим муассасалари билан шартнома асосида ҳамкорлик қилаяпмиз. Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар, қабул қилинаётган қонунлар эса ишимизга унум, ғайратимизга ғайрат қўшаётир.

Баъзан аёл киши учун тадбиркорлик билан шуғулланиш бироз қийин кечмайдими, деб сўраб қолишади. Осон эмас, албатта. Айниқса, мен каби чекка ҳудудларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, шаҳардаги корхоналар даражасида фаолият юритишнинг ўзи бўлмайди. Лекин кейинги йилларда олис қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида катта эътибор қаратилаётгани муаммоларни енгиб ўтишга ёрдам беряпти. Натижада мен каби ишбилармон хотин-қизлар сони ортиб бораяпти.

Қисқаси, мен ҳам ўзбекнинг бахтли аёлиман! Боиси турмуш ўртоғим ҳар бир ишимда маслаҳатгўй, елкадош. Икки қизим олий маълумотли мутахассис. Ўғлим эса ёнимда энг яқин ёрдамчим. У тадбиркорликнинг сир-асрорларини пухта ўрганиб, корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш, маҳсулотлар турини кўпайтириш, сифатини ошириш устида изланаяпти. Шундай кунларга етказганига шукр қилар эканман, бизларга катта имкониятлар эшигини очиб берган, ҳар бир ишда қўллаб-қувватлаётган Юртбошимизга раҳмат айтаман. Давлатимиз равнақига, элимиз фаровонлигига бундан-да кўпроқ нафим тегса, дейман.

**Ойниса ҚАРШИБОЕВА,**
**Ғаллаорол туманидаги «Умиджон техносервис» хусусий корхонаси раҳбари, O`zLiDeP фаоли.**

## АНИҚ САВОЛГА

***«Менга 15 ёшли ўсмир иш сўраб мурожаат қилди. Жуда зеҳнли экан. Хат ташувчи вазифасига бемалол тўғри келади. Уни ишга қабул қилсам, иш вақтини қандай белгилайман? Ахир у коллеж талабаси.***

**Равшан ЭЛМУРОДОВ, Тошкент вилояти».**

15 ёшга тўлган вояга етмаганлар ишга жойлашишда ўқиш жойидан маълумотнома тақдим этиши лозим. Ушбу маълумот асосида Меҳнат кодексининг 77-моддаси иккинчи қисми талабига кўра, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажаришга йўл қўйилади. Маълумотномада кўрсатилганларни ҳисобга олиб, сиз унинг таълим олишига ҳамда уй вазифаларини бажаришига имкон берган ҳолда ишга олишингиз мумкин.

Энг муҳими, боланинг ишлаш учун ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишда розилиги талаб этилади.

***«Мен икки болани (8 ва 4 ёшли) ёлғиз вояга етказмоқдаман. Иш берувчи мендан тунги сменада ишлашни талаб қилмоқда. Лекин мен болаларимни қаровсиз қолдиролмайман. Иш берувчи мени ишдан бўшатиши мумкинми?***

**Сайёра РЎЗИЕВА, Бухоро вилояти».**

Меҳнат кодексининг 238-моддасига кўра, аёлларга оналик билан боғлиқ ҳолда бериладиган кафолатлар ва имтиёзлар, яъни тунги ишларга ва иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб этишни ва хизмат сафарларига юборишни чеклаш, шунингдек, қўшимча таътиллар бериш, имтиёзли иш режимларини ўрнатиш тартиблари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда аниқ белгиланган.

Унга кўра, иш берувчи отасиз болаларни тарбиялаётган она сифатида сизни тунги сменага ишга жалб этиши мумкин эмас.

**Саволларга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги мутасаддилари жавоб беришди.**

## АНИҚ ЖАВОБ

## Қўлбола «сотка»лар мусодара қилинди



**Бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида машҳур брендлар остида сохта мобиль телефонлар ишлаб чиқарилаётгани сир эмас. Аммо оддий харидор уларнинг қай бири ҳақиқий ёки қалбаки эканини фарқлай олмайди. Яқинда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари йирик миқдордаги қўлбола телефонларни мусодара қилишди.**

**Божхона ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда пойтахтимиз кўчаларидан бирида ҳаракатланаётган «Ласетти» русумли енгил автоуловини тўхтатиб кўздан кечиришганида, 726 дона уяли телефон ҳамда 386 дона уяли алоқа воситаси аксессуарлари яширинча олиб кетилаётганлиги аниқланди. Суриштирувлар давомида қоидабузар шахс қиймати 118 млн. сўмлик мазкур товар-моддий бойликларнинг божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи биронта ҳужжатни тақдим қила олмади. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.**

**«Бошпочтамт» божхона постида пойтахтимизда истиқомат қилувчи 3 нафар фуқаро номига АҚШдан йўлланган почта жўнатмалари назоратдан ўтказилганда буюмлар орасида тегишли декларацияларда қайд қилинмаган салкам 36 миллион сўмлик 39 дона «LG», «iPhone 6» ва «iPhone 6+» уяли алоқа воситалари яширилганлиги маълум бўлди.**

**Мазкур ҳолатлар юзасидан ҳуқуқбузарларга нисбатан суднинг тегишли қарорлари билан жазо чоралари қўлланилди. Далилий ашё сифатида олиб қўйилган товарлар давлат эгалигига ўтказилди.**

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси Ахборот хизмати.

**Барот ИСРОИЛ**

## Хотиржамлик неъмати

*Виждон азобига қолмайин десанг,*
*Аввало тилингга бўлгил эҳтиёт.*
*Хиёнат қилиб ўзга ҳаққини есанг,*
*Бу дардинг даволай олмас тиббиёт*

*Виждон ҳам азобдан бўлади холи,*
*Ҳаромдан ҳалолни ажрата олсанг.*
*Ҳалол яшаганнинг кулар иқболи,*
*Ахир бундан ортиқ бахт борми, билсанг?*

*Виждон қийналмаса, иймон хотиржам,*
*Қилган юмушингда бўлар барака.*
*Дўст-ёронлар бирга бўлганида жам,*
*Бири биродардир, бири чин ака.*

*Виждони покларни Оллоҳ қўллагай,*
*Ҳаёти қувончларга тўлиб тошади.*
*Ҳар ишда ҳақиқат томон йўллагай,*
*Орзулар ушалиб, бахт ёндашади.*

*Виждоним қийналар, қилганда хато,*
*Вақтини топиб то тузатгунимча,*
*Беҳаловат кечар ва туним ҳатто,*
*Хотиржамлик неъматини топгунимча.*

*Виждоним тозадир юқтирмадим гард,*
*Мижозимга ётдир, ғийбат маломат.*
*Демак, шунинг учун доим йироқ дард,*
*Ҳаётимда ҳамроҳ ҳузур, ҳаловат.*

## Умринг узоқ бўлажак

*Мишмиш нима билмасанг,*
*Ноҳақ хафа қилмасанг,*
*Тақдирлагай келажак,*
*Умринг узоқ бўлажак.*

*Таъмадан юз ўгирсанг,*
*Ҳақгўйлик томон юрсанг,*
*Бундан кўнглинг тўлажак,*
*Умринг узоқ бўлажак.*

*Ҳасаддан тийсанг ўзни,*
*Ҳавасга бурсанг юзни,*
*Эзгу бахтинг кулажак,*
*Умринг узоқ бўлажак*

*Ёлғон сўзни демасанг,*
*Ўзга нонин емасанг,*
*Тақдир шодон қилажак,*
*Умринг узоқ бўлажак.*

*Эй, Барот, ҳалол юрсанг,*
*Лабзингда собит турсанг,*
*Яхши номинг қолажак,*
*Умринг узоқ бўлажак.*

РЕКЛАМА







XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ:** Озод РАЖАБОВ.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** XXI_ASR@mail.ru

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюртма рақами: S 3654 Тираж: 9930

Баҳоси келишилган нархда.

Топширилди — 20:00

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**

**©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.**

**Реклама материалларига таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.**

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

**Навбатчилар:**
**Т.АБДУРАҲМОНОВ, А.МУЗАФФАРОВ.**